# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

2001 ЙИЛ 15 март, ПАЙШАНБА

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Qishloq HAYOTI

№ 30 (6.243). Сотувда эркин нархда


## БУГУНГИ СОНДА:

### ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

*Ислоҳотлар шароитида оддий деҳқондан тортиб раҳбару мутахассисгача қонунларни, шартнома шартларини, янгича муносабатлар моҳиятини теран билмоғи зарур. Ана шунда Абдуқодир ака сингари беҳуда сарсон бўлмайди ва кўпдан-кўп англашилмовчиликларга ўрин қолмайди.*

(1-2-саҳифаларда)

Таъмирланганларини кўрайлик... Ажаб, устахонадаги "тайёр" сеялкалар ярқираб турибди. Бу сеялкаларни ҳар қан-

### БУЗУҚ СЕЯЛКАЛАР "РАҚСИ"...

дай деҳқон орзу қилади. Бироқ... бунисининг ғилдираги айланмайди. Бирининг чигит экиш мосламаси узилган. Бошқасининг чигит идиши "рақсга" тушаётир... Тайёрида юз хил нуқсон!

(1-3-саҳифаларда)

### ЯПРОҒИНГ УЗИЛМАСИН

*Ҳа, гап буёқда экан-да. Ёнимдаги оддийгина қишлоқ йигити юрагининг тубтубидан чиққан аччиқ-аламли, лекин, ҳақ гапларга жавоб тополмай лол турардим. Чинорлар ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлаётгандек шабадада секин силкинишарди.*

(1-4-саҳифаларда)

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## КИМЁ САНОАТИНИ БОШҚАРИШ ТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Кимё саноати корхоналари ва ташкилотларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда улар фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш, тармоқ корхоналарини акциялаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, кимё ишлаб чиқаришини ривожлантириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р  қ и л а д и:**

1. «Ўзкимёсаноат» уюшмаси раҳбариятининг, шунингдек тармоқ корхоналари раҳбарларининг, мамлакатда ислоҳ қилиш ва хусусийлаштириш бўйича амалга оширилаётган умумий стратегияга қарамай, кимё саноатининг етакчи корхоналарини акциялаштириш, хусусийлаштиришдан олдин реклама қилиш ҳамда чет эл ва мамлакатимиз инвесторларини жалб этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш борасида ҳанузгача амалий қадам қўйишмаганлиги мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳол ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 27 декабрдаги Ф-1313-сон фармойиши билан тузилган кимё тармоғини бошқариш тизимини ва қишлоқ хўжалигини кимёвий препаратлар билан таъминлашни такомиллаштириш бўйича махсус комиссиянинг очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси («Ўзкимёсаноат» ДАК) ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон кимё саноати корхоналари уюшмаси («Ўзкимёсаноат» уюшмаси) қатнашчилари томонидан уюшмани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

кимё саноати корхоналарини чуқур ислоҳ қилиш ва хусусийлаштириш, ушбу мақсадлар учун чет эл ва мамлакатимиз инвесторларини кенг жалб этиш;

тармоқни ривожлантиришнинг кимё саноатини барқарор ривожлантиришга, республиканинг минерал ўғитларга ҳамда кимё маҳсулотларининг бошқа турларига бўлган эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган ўртача ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

кимё маҳсулотлари ташқи бозорларининг маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш ҳамда шу асосда экспорт салоҳиятини кенгайтиришни таъминлаш, жаҳон бозорларида рақобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларни экспортга етказиб бериш;

кимё саноатини замонавийлаштириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашга йўналтирилган ягона техника сиёсатини ўтказиш, ресурсларни тежайдиган самарали технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ва бутловчи буюмлар тайёрлашни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш;

менежментнинг замонавий усулларини эгаллаган ва бозор шароитларида самарали ишлашга қодир бўлган муҳандис-техник ва бошқарув кадрлари малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш.

4. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси ҳамда унинг штатдаги ходимларининг чекланган сони (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) 57 кишидан иборат бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви 4 нафар аъзодан, шу жумладан раис ва унинг 3 нафар ўринбосаридан иборат бўлади. Раис ва унинг ўринбосарлари юқори бошқарув органи томонидан сайланади, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ҳамда мақоми, маиший таъминот, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитлари бўйича: раис - вазирга, раиснинг биринчи ўринбосари вазирнинг биринчи ўринбосарига, раис ўринбосарлари эса - вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

«Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раисига, зарур бўлганда, унинг бошқаруви ижро этувчи аппарати тузилмасига штатдаги ходимларнинг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритишига рухсат этилсин.

5. Кимё тармоғини бошқариш тизимини ва қишлоқ хўжалигини кимёвий препаратлар билан таъминлашни такомиллаштириш бўйича махсус комиссия, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси билан биргаликда белгиланган тартибда:

2001 йил 1 майгача асосий фондларни 2001 йил 1 январгача бўлган ҳолати бўйича қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг устав фондини шакллантирсинлар, давлат мулки бўлган акциялар пакетини шаклланган устав фондининг 51 фоизи миқдорида сақлаб қолган ҳолда эмиссия проспекти рўйхатдан ўтказилишини таъминласинлар;

компания корхоналарини хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда босқичма-босқич очиқ акциядорлик жамиятларига айлантириш тадбирларини белгиланган тартибда амалга оширсинлар.

2001 йилда биржа ва биржадан ташқари бозорларда «Шарқ таронаси» ва «Лактам» акциядорлик жамиятлари, «Кимёсавдотаъминот» ёпиқ акциядорлик жамияти акцияларининг давлат улушлари сотилишини таъминласинлар;

2001-2002 йилларда «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг ижтимоий инфратузилма объектларини сотсинлар, шу жумладан хусусий мулк сифатида сотсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясига кимё саноати корхоналарини хусусийлаштириш учун хорижий консалтинг ва баҳолаш компанияларини, молиявий агентликларни жалб этишга рухсат берилсин, бунинг учун зарур маблағлар ажратилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси 2-Фарғона тузатиш-қурилиш-монтаж бошқармаси, 3-Самарқанд тузатиш-қурилиш-монтаж бошқармаси ва 4-Навоий тузатиш-қурилиш-монтаж бошқармаси ихтисослаштирилган тузатиш-қурилиш акциядорлик жамиятлари акцияларининг давлатга тегишли пакетларини белгиланган тартибда «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясига ишончли бошқарувга берсин.

(Давоми 2-бетда)

## ПЛЁНКА ТЎЛИҚ ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ



***Қиш бўйи мудроқ ётган далаларда яна жонланиш бошланди. Кўклам қуёшидан баҳра олган заминга деҳқон бўлғуси ризқ-насибаси - барака уруғини қадай бошлади.***

Ҳозир қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган далаларни айлансангиз қуёш нурида жилваланиб турган пайкаллар оппоқ кўлни эслатади. Аслида эса бу - плёнка усулида чигит экилган ғўза майдонлари.

Плёнка усули афзаллигини деҳқонларимиз амалда тўла-тўкис исботлаб бердилар. Плёнка усулида пахта етиштириш агротехникасига тўлиқ риоя қилинса, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам эрта ва юқори ҳосил олиш мумкинлиги энди ҳеч кимга сир эмас.

-1998 йили чигитни плёнка остига эккан эдик, - дейди Ховос туманидаги "Фарҳод" ширкат хўжалигининг бош ҳосилоти Бахтиёр Муродов. – Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Авваламбор очиқ далага экилган

**ЖАРАЁН**

пахтага нисбатан гектарига 10 центнер ортиқча ҳосил олдик. Шунингдек, ғўза эрта етилгани учун ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан вақтида йиғиштириб олдик. Чигитни плёнка остига экиш натижасида пахта етиштиришдаги таннарх ҳам анча пасайди. Бу эса бевосита олинадиган соф даромаднинг миқдорини кўпайтирди. Бу йил хўжалигимизда 200 гектар ерга чигитни плёнка остига экаётирмиз. Бунинг учун Жиззах пластмасса заводидан 11 тонна плёнка олдик. Плёнканинг сифати яхши экан. Чунки ҳозиргача 50 гектардан ортиқ ерга чигит қададик. Экиш жараёнида олинган плёнкалар панд бермаётир.

Ҳа, бугун мамлакатимизнинг бошқа вилоятлари хўжаликларида ҳам Жиззах пластмасса корхонасида тайёрланган плёнка остига чигит экиш ишлари жадал бошлаб юборилди.

Бу йил республикамизда 218 минг гектар ерга чигитни плёнка остига экиш режалаштирилган бўлиб, бунинг учун 12600 тонна плёнка зарур бўлади. Жиззах пластмасса ҳиссадорлик жамияти эса хўжаликларга 6376 тонна плёнка етказиб бериши зарур.

Турли сабабларга кўра корхонага хом ашё кеч етиб келди. Лекин мижозларга экиш мавсумига қадар плёнкани етказиб бериш лозим. Ҳар қандай сабаб плёнкани вақтида етказиб бермаслик учун баҳона бўлолмас эди. Корхонада мавжуд барча имконият ишга солинди, қўшимча ишчи кучлари жалб этилиб, иш уч сменада ташкил этилди. Корхонада энг юқори суръатда иш олиб борилиб, кунлик плёнка ишлаб чиқариш қуввати 56-57 тоннага чиқарилди. Натижада бугунгача пахта етиштирувчи хўжаликлар корхонадан 5350 тонна плёнка маҳсулотлари олдилар. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси 285,5 тонна, Бухоро вилояти 453 тонна, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган ва Хоразм вилоятлари плёнкага буюртмаларини 100 фоиз тўла-тўкис заводдан олиб кетдилар. Қолган вилоятларга ҳам яқин кунлар ичида плёнка тўлиқ етказиб берилади.

Корхона жамоаси экиш мавсуми учун сифатли ва етарли плёнкани етказиб беришлари аниқ. Плёнка остига чигит экиш усулига унчалик рўйхушликлари йўқ хўжалик раҳбарлари учун турли баҳоналарга – плёнка вақтида етказиб берилмади ёки сифати паст дейишларига ҳеч қандай сабаб бўлмаслиги керак.

Корхона барча имкониятларини ишга солиб мижозларга вақтида плёнка етказиб беришнинг уддасидан чиқаётир. Лекин ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бор. Агар икки томон зиммаларидаги масъулиятни бирдек ҳис қилсаларгина манфаатдорлик ҳам тенг бўлади.

Лекин айрим хўжаликлар корхонадан олаётган плёнкаларига пулни вақтида ўтказиб бермаётирлар. Бу эса корхонанинг кейинги ишлаб чиқариш фаолиятини иқтисодий буҳронга учратиш хавфини туғдириши мумкин.

Корхона 3 миллиард 151 миллион сўмлик шартнома тузган. Ҳозирги вақтгача эса шартномада белгиланган пулнинг 1 миллиард 947,3 минг сўми тушган. Бугунга келиб корхонанинг дефицити 1 миллиард 100 минг сўмни ташкил этаётир.

Тез орада икки томонлама шартнома шартлари етарли даражада бажарилиб, хатолар бартараф этилса, корхонанинг бундан кейин ҳам бир меъёрда ишлаши таъминланган бўлар эди.

Мамлакатимизда плёнка остига чигит экишга киришилди. Бугун яхши ният билан қадалган уруғ Оллоҳнинг инояти ва бободеҳқонларимизнинг машаққатли меҳнати туфайли мўл ҳосил бериши шубҳасиз. Албатта етиштирилган ҳосилда Жиззах пластмасса заводи жамоасининг ҳам муносиб улушини деҳқонларимиз унутишмайди.

**Абдураззоқ КАРИМОВ**

### КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● **Ўзбекистон Банклари уюшмасининг «Барака» универсал лизинг компанияси «Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини фаоллаштиришда лизингнинг имкониятлари ва истиқболлари» мавзусида семинар ташкил қилди.**

● Пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Япония ҳукуматининг Кичик ҳажмли лойиҳалар учун беғараз ёрдам дастури доирасида Ўзбекистондаги ўрта таълим муассасалари ислоҳоти учун 169 минг АҚШ доллари миқдорида грант ажратиш ҳақида ҳужжат имзоланди.

● **«Ўзкимёсаноат» уюшмаси билан АҚШ Савдо ва тараққиёт агентлиги (СТА) ўртасида Олмалиқдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмасига грант ажратиш ҳақида битим имзоланди.**

● Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида мазкур ташкилот хотин-қизлар шўъбаси ва «Ўзбекистон-Япония» дўстлик жамияти томонидан Оналар ва болалар йилига бағишланган тадбир ўтказилди.

● **Россиянинг мамлакатимиздаги элчихонасида Ўзбекистонда Россия халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик марказининг («Росзарубежцентр») ваколатхонаси очилишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

● Қорақалпоғистон республикаси шаҳар ва туманларида фуқаролар, ўқувчи ва талабалар билан бўлиб ўтган қизиқарли суҳбатлар Конституция моҳиятини тушунтиришга бағишланди.

● **Қизилқумнинг бепоён кенгликларида жойлашган яйловларда баҳор келиши билан тўл олиш мавсуми бошланиб кетди.**

● Жиззахдаги олимпия захиралари коллежининг спорт мажмуида 1983-1984 йилларда туғилган ёшлар ўртасида самбо кураши бўйича Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди.

● **Жиззах вилоят болалар ва ўсмирлар ижодий марказида иқтидорли ўқувчиларнинг анъанавий кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танлов Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланди.**

● Республикамизнинг барча ҳудудларида сув ҳавзалари чегаралари ва майдонини аниқлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

## ДОНИ БОРНИНГ – НОНИ БОР

***Дон – деҳқоннинг заҳматли меҳнати туфайли етиштириладиган буюк неъмат. Уни ҳақли равишда тирикчиликнинг асосий манбаларидан бири дейиш мумкин.***

Табиийки, ғаллакор меҳнатининг ана шу қутлуғ маҳсули қайта ишловчилар қўлига етиб келгач, баракаси янада ошади.



Қабул қилиб олинган донни нест-нобудгарчиликсиз асраш, тозалаб қайта ишлаш ва аҳоли дастурхонига хуштаъм маҳсулот сифатида тортиқ этиш машаққати ва масъулиятининг ҳам ўрни бор. Бухоро вилоятида юз минглаб киши ғалла етиштириш билан шуғулланишса, уч минг нафарга яқин ишчи-хизматчи, муҳандис-техник ходим уни қайта ишлаш билан машғулдирлар.

**ИСЛОҲОТ**

Яқинда мухбиримиз "Бухородонмаҳсулотлари" ҳиссадорлик жамияти уюшмаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Б.Бозоров билан мулоқотда бўлди.

**-Баҳодир ака, ҳар ким дуога қўл очар экан, Аллоҳдан тинч-тотувлик ва соғлик қатори ризқ-рўзининг кўпайишини сўрайди. Ризқ-рўз деганда биринчи навбатда дон ва нон кўз олдимизга келиши табиий, албатта.**

(Давоми 3-бетда)

**БИР ХАТ ИЗИДАН**

## ШАРТНОМА ВА ... ШИКОЯТ

**Шундай қилиб, Аълохотин қишлоғида эл қатори яшаб келаётган Абдуқодир Аҳадов таҳририятга шикоят ёзди. Йўқ, қишлоқ ёки хўжаликни қийнаётган жиддий муаммолар хусусида эмас, балки "ширкат хўжалиги 8-бригадири (?) Соҳибназаров Аваз" ва бошқаларнинг "кўр-кўрона, очиқчасига ўтказаётган ноқонуний тазйиқлари, фирибгарликлари, ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилишлари" юзасидан. Албатта, 13 варақли хатда келтирилган важларга, даъволарга тўла жавоб бериш муфассал тафтишни тақозо этади, биз ваколатимиз даражасида масаланинг баъзи қирраларига ойдинлик киритишга интилдик.**

**"Янгиариқ" хўжалиги ўтган йилни ширкат усулида бошлади. Хўжалик ичида деҳқон хўжаликлари пайдо бўлди, иш аъзолар билан ижара шаклида шартнома асосида ташкил қилина бошланди. Табиий, янги шаклларнинг жорий қилиниши билан энг катта бойлик – ердан унумли ва тежаб-тергаб фойдаланишга ўтилди, ҳар бир қарич ернинг эгаси бўлишига ҳаракат қилинди.**

(Давоми 2-бетда)

## ТИЛАКЛАРИ УШАЛГАН ОТА

***Қадим ривоятларнинг бирида ёзибдиларки, бадавлат донишманд дунёни айланиб келинглар, деб Али билан Вали исмли фарзандларини сафарга отлантиради. Улар йўл юришибди, юрганда ҳам мўл юришибди.***

Кунлардан бир куни қуёш нурида ял-ял ёниб турган қасрга дуч келиб, дарвозаси пештоқидаги кимда-ким дуо олмоқ истаса, меҳнатдан қочмаса, биз билан бирга бўлсин, деган ёзувни ўқишибди.

Ота тарбиясини олган фарзандлар шу ерда қолиб ишлашга қарор қилишибди. Қаср эгаси бой-бадавлат шоҳ экан. Ака-укалар, ихтиёрига катта боғни топшириб, уларни обдон кузатибди. Шоҳ қараса, ҳар иккала ўғлон меҳнатдан қочмас экан. Боғ обод бўлибди. Гулзорлар кўзга ташланибди. Бундан хурсанд бўлган шоҳ уларни сарой хазинасига ишга таклиф қилибди. Ҳалол ва поклиги, меҳнатсеварлиги билан катта обрў қозонган ўғлонлар шоҳнинг қизларига уйланиб, ўз бахтларини топиб, уйларига қайтишибди.

**ЗАМОН - ИЗЛАНГАННИКИ**

Ўғилларини кўпдан-кўп соғиниб кутган донишманд фарзандлари пешонасини силаб, ана дуонинг кучини кўрдингларми, деб беҳад севинган экан. Ҳозир ҳам Али ва Вали сингарилар камми!

(Давоми 2-бетда)

**ТААССУФ**

## МУЗРАБОТДА "ТРАКТОРБЎЯМАЧИЛИК"

**Сурхондарёда кўкламги экиш техникаларини таъмирлаш бу йил бошқача! Бутун куч сарфланди. Зарурий эҳтиёт қисмлар келтирилди, вилоят қабул комиссияси барча туманда ҳар битта техникани қабул қилиб "экишга қатнашишга рухсатнома" берди. Бирон йил бундай бўлган эмас эди. Насиб бўлса, бу йил Сурхондарёнинг омад йили, барака йили! Денов, Жарқўрғон, Қумқўрғону Ангордаги техникаларни кўриб тасанно, дейсиз. Аммо...**

**Аммо, нимаси деб ҳайрон бўлманг. Ана, туман машина трактор парки ҳовлисида тракторлар, ...культиватору сеялкалар ярқирайди. 40-45 та трактор турналардай қатор... Узоқдан қарайсиз, оғзингиз очилиб қолади, "Наҳотки"! Гўё ҳаммаси жойида! Гўё 100 фоиз таъмирланган. Техникалар бўялган! Орден берса арзийди! Афсуски... узоқдан шундай. Яқинига келсангиз, "уфф" тортиб, тепа сочингиз тикка бўлади. "Ким кимни лақиллатаяпти?! Бунақа таъмирловчилар ҳокимиятни алдаяптими ёки деҳқонни "чув" тушираяптими?!". Ҳам кулгингиз, ҳам йиғлагингиз келади. Ҳамма тракторлар зўр бўялган.**

(Давоми 3-бетда)

## ЧИНОРЛАРНИ АСРАНГ, ОДАМЛАР!

***Ватан остонадан бошланади, деб бежиз айтилмаган. Ҳар бир инсон ўзи туғилиб-ўсган жойни умр бўйи қўмсайди, соғиниб яшайди. Айниқса, ёш ўтинқирай бошлаганда имкон туғилган заҳоти туғилган жойинг бағрига отилгинг келар экан...***

Қирқ йилдан зиёд вақт турли томонларда ишлаб-яшаб юрдим. Аммо, таваллуд топган қишлоғим ёдимдан бирор зум кўтарилмади, ҳамиша унинг тафтини, мададини ҳис этиб турдим. Қишлоғим ҳақида бирор маълумот учраб қолса, бошим кўкка етар, дарҳол ёндафтарга ёзиб қўярдим. Бир кун, тарихчи олим Ҳамид Зиёев билан суҳбатлашиб ўтириб гап орасида: "Хондайлиғингиз энг қадимий қишлоқлардан бири эканлигини биласизми?", дея тарихий маълумотлар битилган бир ҳужжат узатди. Унда қуйидаги сатрлар битилган эди: "Энг қадимий қишлоқлардан бўлмиш Хондайлиқ, Хўжакент, Заркент, Паркент, Сайрам..." Туғилган қишлоғим қадимийлигини билардим-у, катта фан томонидан бу даражада тан олингани, тарихий манбаларда алоҳида қайд этилганидан бехабар эдим.

**БОНГ**

Кўп йиллар давомида излай-излай, анча-мунча қимматли маълумотлар тўпладим. Ниҳоят, шулар асосида унча тўла бўлмаса-да, Хондайлиқ тарихини ёздим.

(Давоми 4-бетда)

**ҲИДОЯТ НУРИ**

## ҲАЁТНИНГ ЎЗИ САБОҚ

**Лекин... Шу ҳақиқат мудом ёдимиздан кўтарилаверади. Негадир "Бу сафар бошқача бўлади" деган фикр ғолиб чиқаверади. Айнан шу ҳолатда шундай ҳодисотлар ўзгача кечмаганлигига минг бора дуч келсак-да, бари-бир айтганимиздан қайтмаймиз, ҳаёт сабоқларидан тегишли хулоса чиқаришга шаҳд қилмаймиз. Албатта, пешонамиз деворга "тақ" этиб урилгунича кўзимиз "ярқ" этиб очилмайди.**

**Ҳолбуки, болалигимизда бир марта иссиқ чойнакни ушлаганимиз боис қайтиб, унга қўл узатмаганмиз, иссиқ билан совуқни дарҳол "илғаб" олганмиз, ёмонлик хавфини мурғак тасаввуримиз ила ҳис этганмиз.**

**Табиатнинг инсон аталмиш сирли хилқати ҳали ақли шаклланмаган пайтида оқ-қорани ажратиб улгуриши-ю, айнан камолат палласида бу синовларга дош беролмаслиги замирида қандай жумбоқ бор экан? Илоҳий илм мағзи асосан ИБРАТ асосига қурилганлиги асносида одамнинг адашувчанлик хислатида хавотирлик ётмаётганмикан?**

(Давоми 4-бетда)

**КЕЛГУСИ СОНДА:** "РАВАЛЛИҚ" ГУЗАРИДА БЎЛГАНМИСИЗ? | "САМДЕЛЕКУСКУН" НЕГА ОҚСАМОҚДА? | БИР КЕЧА КАШФИЁТИ

# КИМЁ САНОАТИНИ БОШҚАРИШ ТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда)

8. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясига мақсадли Кимё саноати ташкилотларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасини (кейинги ўринларда «Жамғарма» деб аталади) ташкил этиш ҳуқуқи берилсин, Жамғарма маблағлари:

«Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлангандан кейин қолган соф фойдасининг бир қисми;

2005 йилгача бўлган даврда - «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг ишончли бошқарувида бўлган акцияларнинг давлат улуши бўйича дивидендлар;

давлат мулкини хусусийлаштиришдан ва «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқарувида бўлган ташкилотлар акцияларини сотишдан, шунингдек компаниянинг ўз акцияларини сотишдан тушган маблағлар, бюджетга йўналтириладиган операция харажатлари ва улушлар бундан мустасно;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

Белгилансинки, Жамғарма маблағларидан фақат:

инвестиция лойиҳаларини, кимё саноати корхоналарини замонавийлаштириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашни;

экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва ривожлантиришни;

маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштиришни, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини маблағ билан таъминлашда мақсадли фойдаланилади.

Молия вазирлиги «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси билан биргаликда Кимё саноати ташкилотларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, истисно тариқасида, объектларни хусусийлаштиришдан тушган маблағларни (қонун ҳужжатларига мувофиқ корхоналар ва Давлат мулки қўмитаси ихтиёрида қолдириладиган маблағлардан ташқари), шунингдек «Шарқ таронаси», «Лактам» акциядорлик жамиятлари ва «Кимёсавдотаъминот» ёпиқ акциядорлик жамиятидаги давлатга тегишли акцияларни сотишдан тушган маблағларни «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ихтиёрига йўналтирсин, кўрсатиб ўтилган маблағлардан Кимё саноати ташкилотларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси орқали мақсадли фойдаланилсин.

10. Белгилансинки:

«Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси «Ўзкимёсаноат» уюшмаси билан тузилган шартномалар ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

«Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси даромадлари (фойдаси) компания акцияларини сотиш, хусусийлаштиришдан тушган маблағлар, мол-мулки компаниянинг устав фондига тўлиқ кирган ташкилотларнинг ажратмалари (улар соф фойдасининг 50 фоизигача миқдорда), компания устав фондига берилган акцияларнинг давлат пакетлари бўйича дивидендлардан, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа даромадлардан шакллантирилади;

«Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви ижро этувчи аппаратининг харажатлари 2002 йил 1 январгача компания таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг ажратмалари ҳисобига, кейинчалик - конун ҳужжатларига мувофиқ компания даромадлари ҳисобига маблағ билан таъминланади.

11. Белгилансинки, 11 кишидан иборат шакллантириладиган Компания кенгаши «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

Кимё тармоғини бошқариш тизимини ва қишлоқ хўжалигини кимёвий препаратлар билан таъминлашни такомиллаштириш бўйича махсус комиссия икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига Компания кенгашининг шахсий таркиби юзасидан таклиф киритсин.

Кенгаш таркибига «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг акцияларига эга бўлган инвестор корхоналар ва компанияларнинг вакиллари ҳам кириши белгилаб қўйилсин.

12. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2002 йил 1 январгача қабул қилиш-топшириш далолатномалари асосида уй-жой фонди, поликлиникалар ва коммунал соҳанинг муҳандислик коммуникациялари маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларига белгиланган тартибда берилишини таъминласин.

13. Тошкент шаҳридаги «ЎзКимёлойиҳаИТИ» институтини ва «ЎзКимёлойиҳаИТИ» институтининг Чирчиқдаги филиалини бирлаштириш ва уларнинг негизида Чирчиқ шаҳар, Тошкент кўчаси, 4-уйда жойлашган «ЎзКимёлойиҳаИТИ» ягона лойиҳа-технология институтини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

14. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси аппарати қуйидаги манзилга жойлаштирилсин: 700060, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ҳукумат қарорларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида икки ой муддатда таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 13 март

# ТИЛАКЛАРИ УШАЛГАН ОТА

(Боши 1-бетда)

Шу ривоятни эсласам, Шавкат Ғайбуллаев ёдимга тушади. Ёшлигидан меҳнатга ён босиб, кўпчилик дуосини олиб чарчамади.

Ишда қийинчиликка дуч келса, уни енгиб ўтмагунча кўнгли жойига тушмасди. Муборак шаҳрига ишга келган кунларини яхши эслайди. Номи шаҳар бўлган билан ҳамма ёқ чанг-тўзон эди. Аҳён-аҳёнда эндигина қад ростлаётган турар-жой бинолари кўзга ташланарди. Кўчалар нотекис, соя-салқин жойлар, боғ-роғ, гулзорлар хаёлингизга ҳам келмасди, ичимлик суви амри маҳол эди. Қудуқлардан сув тортиб олинарди. Қоронғи тушди дегунча, пашшалар "сайри" бошланарди. Очеркимиз қаҳрамони бу каби қийинчиликлардан қўрқмади. Мендан бошқалар ҳам ишлашаяпти-ку! Чет эллардан келиб ишлаётган қанчадан-қанча одам бор! Нега энди мен ишламас эканман, деган фикрга келди.

Ўшанда Шавкат Ғайбуллаев раҳбар бўлган жамоа учун оддийгина икки хонали уй ажратилди. Унинг пештоқига "Банк" деб ёзиб қўйилди. Шундан буён орадан йигирма бир йил ўтдики, Шавкат Ғайбуллаев ҳамон ғайрат-шижоат билан ишлаб, ўз касбини ардоқлаб келади. Кечаги оддий иқтисодчи бугунги кунга келиб катта жамоанинг раҳбари!

-Иш бошлаган йилларда Муборак шаҳрида битта банк бор эди, - дейди суҳбатдошимиз. – Эндиликда бешта банк фаолият кўрсатаяпти. Бу банклар жойлашган биноларни кўрсангиз хурсанд бўласиз. Мен раҳбар бўлган "Пахтабанк"да ишлаётганлар 23 кишини ташкил этади. Бир пайтлар олти киши билан банк ишини юритганмиз. Ҳозирги кунда яхши ишлаш учун ҳамма шароит яратилган. Банкимиз икки қаватли бинода жойлашган. иш ҳақидан ҳеч ким нолимайди. Жамоа аъзолари ҳар ойда мукофот пули олишади.

**-Банк хизматидан мижозлар хурсандми?**

-Нима десам экан, - мижозларни хурсанд қилолмасак, ишимиз юришмайди. Банкимизда бешта бўлим фаолият кўрсатади. Бўлимларга тажрибали иқтисодчилар раҳбарлик қилишади. Ҳисоб-китоб яхши йўлга қўйилган. Бу ўринда Сайфулла Қурбонов, Алимардон Нормуродов, Шавкат Қорлиев ва Наби Қаҳҳоров сингари ходимларимизнинг номларини қувониб тилга оламиз. Уларнинг тадбиркорлик билан иш юритаётганлиги сабабли мижозлар банк хизматидан хурсанд бўлишаяпти. Қайси мижоз пул сўраб келса, қуруқ қайтмайди.

Иш бошлаган йилларда мижозларимиз саноқли бўларди. Бугунга келиб уларнинг сони икки юзга яқинлашди. Шу жумладан, тумандаги 6 жамоа ширкат хўжалиги, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, химия идораси ва бошқа ўнлаб ташкилотни айтиш мумкин. Бундан ташқари банкимиз 54 фермер хўжалигига, 25 тадбиркорга хизмат қилаяпти. Шу нарсани қувонч билан айтиш мумкинки, бизда пул муомаласида яхшигина интизом ўрнатилган. Қарз сўраб келувчи мижозларимизнинг аҳволини обдон ўрганиб, кейин уларнинг талабини амалга оширамиз. Банкдан олинаётган ҳар бир сўм ўз ўрнида ишлатилишини назорат қилиб борамиз. Яна бир кичик ютуғимиз шуки, мижозлар томонидан олинган қарзлар белгиланган муддатда банкимизга қайтарилади. Бу оддий қоидаги амал қилмаган мижозларни тартибга чақирамиз. Шу боисдан ҳам бизда қарздорларни деярли учратмайсиз. Мижозларга имтиёзли қарзлар бериб борилаяпти. Шу йилнинг ўзида 1 миллион 300 минг сўм миқдорида имтиёзли қарз берилди.

**-Бултур кўрилган соф фойда 9 миллион 554 минг сўмни ташкил этди, деяпсиз. Бунга қандай қилиб эришилди?**

-Юқорида айтганимдай, бизда мижозларга намунали хизмат кўрсатиш ҳамиша диққат-эътиборимизда бўлади. Токи, банкдан бирор мижоз ранжимасин. Кейин бизда ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш масаласи кун тартибидан тушмайди. Ҳар бир сўмни тежаймиз. У ё бу ташкилот кўпроқ фойда кўрса бунга нима етсин! Жамоа аъзоларини керагича мукофотлайди, уларни ижтимоий ҳимоялаш масаласида кенг кўламда иш олиб боради. Бу йил оналар ва болалар йили, деб эълон қилинди. Банкимизда меҳнат қилаётган оналаримизнинг кўнглини обод қилиш учун ҳамма чора-тадбирлар белгилаб чиқилган. Уларнинг уй шароитларини яхшилаш учун қўшимча маблағ ажратганмиз. Болаларнинг соғлом ўсиши масаласида амалга оширилаётган тадбирларимиз ҳам кўнгилларни хушнуд этади. Байрамларда уларга яхшигина совғалар ташкил этилади. Ёз ойлари дам олиш масканларига йўлланмалар олиб берилади.

**-Шогирдларингиз кўп, деб айтишди.**

-Кўпликка кўп. Устозлар қаторида тилга тушганлари ҳам бор. Исмоил Юнусов, Рўзи Ҳайдаров, Шуҳрат Раҳмонов, Худойназар Бердиев, Жўра Сатторов, Уйғун Азимов, Тўра Норқулов ва бошқа шогирдлар шаънига айтадиган илиқ сўзларим бор. Улар вилоят ва туман банкларида раҳбарлик лавозимларида ишлаб бой тажриба тўплашган.

**-Ҳадемай олтмиш ёшга тўласиз. Иқтисодчи раҳбар сифатида ўз фаолиятингизни қандай баҳолайсиз?**

-Фаолиятимга бериладиган баҳони бошқалардан сўрайсиз. Яшаш тарзимдан хафа эмасман. Ҳали айтганимдай, йигирма бир йил бир идорада ишлаяпман. Муборак шаҳрига келиб, кўпгина ёру-дўстлар орттирдим, оила аъзоларимдан миннатдорман, оилам Сафия Саидова мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди, тўртта фарзандимиз бор. Гулшан шифокор, Санжар билан Элсуяр банкда фаолият кўрсатишади. Ўғлимиз Сардор деҳқон фермер хўжалигини бошқаради...

...Шавкат Ғайбуллаев қайси бир жиҳатлари билан юқоридаги ривоятдаги донишманднинг фарзандларига ўхшаб кетади. Эҳтимол, ёшлигидан меҳнатга кўнгил қўйганлигидандир. Эҳтимол, касбини шарафлаб, эл дуосини олаётганлигидандир.

**Бозор ЭРҚОРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**




## ШИРИН ЗАБОН – САДҚАЙИ ЖОН

***Ўрамас қишлоғи одамлари ҳали-ҳануз бир гапни эслаб, кулиб юришади. Бу: "Кел, шу тилингдан бир ўпай" деган гап бўлиб, унинг "муаллифи" Турғун ота ҳисобланади. Хўш, бу гапнинг нимасини эслаб кулишаркан дерсиз, сабр қилинг, билиб оласиз...***

Ўзбекда нима кўп, тўй кўп. Турғун ота ҳам кенжа ўғлининг "бошини иккита" қилиш ниятида тўй тадоригини кўра бошлади. Энди, ўзингиз биласиз, тўй деганлари дастурхонсиз бўлмайди. Дастурхоннинг "зийнати" эса... Ҳа, яшанг паловхонтўра-да! Ош "жаноб"лари ўзингизга маълумки, гўшт билан очомлашади. Шу боис, Турғун ота семизроқ новвос харид қилиш ниятида Жумабозорга йўл олди. Савдолашиб, "келишган" бўрдоқини харид қилди-да, изига қайтди. Қишлоққа яқинлашгач, таниш-билишлар сўрай бошлади:

-Ҳорманг, Турғунбой, бу жонивор қанчага тушди, энди?

-Ҳа, саломат бўлинг, шу десангиз...

Турғун отанинг жавобини эшитган бояги киши:

-Эҳ-ҳе, намунча қиммат, бу пулга иккита мол олса бўлади-ку, - деди.

Танишининг бу гапидан сўнг Турғун отанинг дили ғашланди. Ростдан ҳам шунчалик қимматга олдиммикан, дея ўйларди у. Ана шундай ўй-хаёллар гирдобида келаётганда яна бошқа бир таниши учради. Салом-аликдан кейин, у ҳам новвоснинг нархини суриштирди. Жавоб бўлгач, шундай деди:

-Яхши, яхши. Жонивор семизгина экан-у, пули сал кўпми, деймандa?!

"Тавба, наҳотки шунча қиммат бўлса-я, роса аҳмоқ эканман-ку", деб ўзини койий кетди Турғун ота.

Ҳали бу ҳолва эди. Уйга етгунга қадар, таниш-билишлари тилидан жониворнинг нархига доир "қарши овозлар"ни кўп эшитган. Турғун ота тамоман довдираб қолди. Саҳар чоғи хуш кайфият билан бозорга йўл олган отанинг авзойи бузилди. Бўрдоқи эса ҳамма нарсага ўзи айбдордай, бошини эгиб турарди. Шу пайт Турғун отанинг олдига эски қадрдони қўшни қишлоқлик Отамурод келиб қолди ва сўради:

-Ҳа, Турғунжон, ташвишлар катта-ку, новвосни ҳам "бир тонна"лигидан олибсанми, дейман?

-Қўйсангчи ҳазилингни, ҳозир бунақа гапларинг ёқмайди, - деди у пўнғиллаган овозда.

-Нега, нега, - қизиқсинди Отамурод, -тинчликми ўзи?

Турғун ота йўлдаги "ҳангома"ларни айтиб бўлгач, Отамурод ҳам новвоснинг нархини сўради. Керакли жавобни эшитгач, деди:

-Оббо дўстим-а, бугун омадинг чопган экан-ку, ахир, биласанми бу жониворнинг қанча туришини, сен бўлсанг уни ярим пулига олибсан-у, яна хафа бўлиб ўтирганингга ўлайми?!

Турғун ота қадрдонининг ширин сўзларини эшитиб, мумдай эриб кетди, дўстини қучоқлаб, деди:

-Кел, шу тилингдан бир ўпай...

**Ж. МАҚСУДОВ**

## ҚАССОБНИНГ КАЗЗОБЛИГИ

***"Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади" деган гап бежиз айтилмаган. Дунё яралибдики, ёзилмаган, ва лекин, ҳамма биладиган бир қонун бор. Бу ҳалоллик, инсонийликдир.***

Бироқ, не ажабки, "Барака" қишлоғилик Шодивой қинғир иш қилиб, айни шу ҳалолликни унутиб қўйди. Натижада эл-юрт олдида бир умр юзи шувит бўлиб қолди. Воқеа бундай бўлган эди.

Қишлоқда қассоб лақаби билан машҳур бўлган Шодивой бир куни даладан келаётиб, қизиқ ҳолатга дуч келди. Қишлоқнинг кенг бедазорида ола сигир у ёқдан бу ёққа ағанаб ётарди. Шодивой сигирнинг олдига бориб билдики, мол жонивор бедадан еявериб дамлаб кетгани боис ўзини бошқаролмаяпти. Яна ўн дақиқа турса ҳаром ўлиши тайин. Шодивой шу дамда ёнида пичоғи бўлмаганлигига афсусланди. Ахир сўйса, эртага гўштини сотарди-да! Ҳа, майли шундоғам ким билиб ўтирибди, ҳозир уйидан пичоқ олиб келади-да, сигирни "калла-поча" қилади...

Шоди қассоб бу қабиҳ ниятини амалга оширди. Ҳаром гўштни сотганлигини ҳеч ким билмади ҳам. Қишлоқда эса Муродқул аканинг янги туққан сигири йўқолгани ҳақида дув-дув гап чиқди. Қизиғи шундаки, ярим йил ўтар-ўтмас мазкур "ҳангома"нинг миси чиқди. Шодивой чойхонада ширакайф ҳолатда ўтирволиб ўзини "сотиб" қўйди. Унинг гапидан сўнг Муродқул ака Шодивойнинг гирибонидан ушлаб ерга босди...

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ**

## БЕТАКАЛЛУФ КЕЛИН

***Сўфиён қишлоғида Сайфи шумнинг номи тилга олиниши ҳамон, албатта, у билан боғлиқ бирор ҳангомадан сўз очилмай иложи йўқ. Бола тушмагур уйланганидан кейин ҳам ўша "ҳазилкашлигини" ташламади.***

Тўйдан уч-тўрт кун ўтгач, куёвтўранинг аммалари келинкўрдига келадиган бўлишди. Сайфининг яна эски қитмирлиги қўзиди. Хотини ясан-тусанни "жойига қўйиб" энди саломга чиқмоқчи бўлганида, эри тўхтатиб қолди. Келиннинг янги кийимларини кийиб, бошига тиллақошни тақди-ю, юзига зарбоф паранжини ёпиб меҳмонларга пешвоз чиқди. Келинларга хос тавозе билан қўлида зар рўмолча тутиб меҳмонларга таъзим бажо келтирди. Шу пайт меҳмонлар даставвал "келин"га, кейин бир-бирларига қараб беҳосдан кулиб юборишди.

Жиянининг яна бир шумлигини вақтида фаҳмлаган холаси "келинчакка" киноялли гап қотди.

-Келинпошша, биз ҳам бир пайтлар келинчак эдик. Лекин у пайтларда меҳмонларга оёғимизни икки метр кери-иб таъзим қилмасдик.

Шунда Сайфи шум уялганидан паранжини улоқтириб уйга кириб кетибди. Бояқиш келинлар икки оёғини жуфтлаб салом беришини қаердан билсин?

**Рустам БЕК**

# БИЛИБ ҚЎЙИКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ!

МАВЗУ

***Эсимда, ёшлигимизда машина сигналининг узоқ чалинганлигини эшитсак, кимнингдир ўғли ҳарбий хизматни тугатиб келган бўларди. Шу куниёқ бутун қишлоқ аҳли аскарни кўргани борарди. Хизматдан қайтиш тўйга айланиб кетарди, ўшанда.***

Аскар йигит эса, ирим қилиб биз болаларга ўзининг аскарлик нишонларини, кийимларини тарқатиб чиқарди. Орадан бироз вақт ўтиб, ушбу хонадонда ҳақиқий тўй – келин тушириб, йигитни уйлантириб қўйишарди. Бу 10-15 йил аввалги ҳолат. Ҳозир, даврлар ўзгарди. Кишилар дунёқараши шаклланди. Ўғил болаларда ҳарбийга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгарди.

Собиқ иттифоқ даврида ўзбеклар деярли фақат қурилиш батальонларига юборилар-ди. Ҳарбий техникаларнида уларга ишонмас эдилар. Ҳатто, хизматга бориб автомат кўрмаганлар ҳам топиларди. Бугунга келиб эса, Ўзбекистон Қуролли Кучлари анчагина такомиллашди, салоҳияти кенгайди. Ўзбек йигитлари ҳарбий техникаларни бошқара бошладилар. Авваллари, ўзга юртни қўриқлаган бўлсалар, энди ўзлари туғилиб ўсган замин осойишталигини таъминлаб, унинг содиқ посбонларига айландилар.

Ҳарбий хизмат йигит кишини ҳар тарафлама шакллантиради. Ҳар куни эрталаб соат $6^{00}$ да уйғониб, бадан-тарбия машқлари бажарилади. Сўнгра ювиниб, жамоа билан нонуштага борилади. Кейин эса низомларга бўйсунган ҳолда кундалик режа бўйича хизмат қилинади. Ва ниҳоят, кечқурун эртанги кунга тайёрланиб, $22^{00}$ да ухлашга ётилади. Буларнинг барчаси оддий кўринсада, лекин, инсонни ҳаётда режа асосида яшашга, қатъийликка ўргатади.

Тан олиш керак, ҳарбийга борган билан бормаган боланинг ўртасида катта фарқ бор. Менимча, ҳар хил оқимларга қўшилиб кетаётган ёшларнинг кўпчилиги ҳам ҳарбий хизматга бормаган. Чунки, ота-онаси, ёру биродарларидан узоқда, хизматнинг ўзига яраша қийинчиликларини кўрган, яшашнинг қадрига етган инсон арзимаган пулни ёки бошқа нарсани деб, турли йўлларга кириб кетмайди. Боиси, унинг фикри теран, узоқни кўра билади, ҳаётнинг мураккабликларини тўғри тушуниб ета олади. Хизмат ҳам ўғил болани тарбиялашнинг маълум бир босқичидир.

Ватан олдидаги бурчини шараф билан адо этиб қайтаётган аскар, энди, 1,5 йил аввал хизматга келган ғўр бола эмас, балки, ҳаётга мустақил қадам қўйган, ҳақиқий жасур ўғлондир. Бу хил инсонлар оиласини, ватанини дадил туриб ҳимоя эта олади. Ватанфурушларга бериб қўймайди. Далил сифатида ўтган йили Сурхондарёдаги, Бўстонлиқдаги машъум воқеаларни эслаш кифоя. Ўшанда диёримиз осойишталигига раҳна солмоқчи бўлганларга эр йигитларимиз қақшатқич зарба бердилар. Улар юртимизнинг мард ўғлонлари, буюк келажаги борлигини душманларга кўрсатиб қўйдилар.

Истар эдикки, қуролли кучларимиз, қолаверса, забардаст йигитларимиз сафи тобора кенгаяверса, оилада, она Ватанда тинчлик доимо ҳукмрон қолаверса. Ана шундагина эртанги кунимиз янада ёруғ ва фаровон бўлади, иншооллоҳ!

**К. АЛИОХУНОВ**



**Наманганда фаолият олиб бораётган "Силк-Роад" пиллакор таянч қўшма корхонасида асосан пилла чиқиндилари қайта ишланади. Чунончи ўтган йили бу ерда 340 тонна пилла чиқиндисидан 83 тонна сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилди. 76,5 тонна ипак эса Япония давлатига экспорт қилинди. Бугун қўшма корхонада 458 нафар наманганлик ёшлар фаолият кўрсатишмоқда.**

**Суратда: ип ўровчи Зайнабхон Юсупова.**

Бахтиёр ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

# ШАРТНОМА ВА ... ШИКОЯТ

(Боши 1-бетда)

350 мингдан зиёд аҳолиси бўлган Ургут туманида ер тақчиллиги мавжуд бўлганидек (аҳоли жон бошига умумий майдон 0,08 гектардан тўғри келади), "Янгиариқ"да аҳвол яна ҳам (0,05 га) жиддий эди. Ердан фойдаланишда тартиб йўқлиги, талон-тарожга йўл қўйилгани туфайли хўжалик бўғзигача қарзга ботган, ночор аҳволга тушиб қолганди. Табиий, ердан етарлича ҳосил олинар, лекин унинг фойдаси хўжалик хазинасига тушмас, тўғри бозорга чиқиб кетарди. Ширкат хўжалигига ўтилгач, даромадни хўжалик кассасига жамлашга киришилди. Бу эркин савдога ўрганиб қолганларга ёқмаслиги табиий.

Абдуқодир Аҳадов билан ширкат хўжалиги 2000 йил 20 апрелда 1,21 гектар ер майдонини ижарага бериш ҳақида, 5 майда эса шу майдонга тамаки экиш, гектаридан 37 центнердан ҳосил топшириш бўйича шартнома тузади. Йил якунида режа 40 фоизга уддаланади. Бу ҳолни пудратчи ўз шикоятида "ерни ошириб ёзган, менда 0,80 гектар тамаки майдони бор эди", деб изоҳлайди. Шикоятнинг давомида "бригадирнинг рухсати билан 0,40 гектар ерга ток эккандим, у уч йиллик бўлиб қолганди. Шуни плуглаб буздириб ташлади", дейилади.

-Демак, 0,80 гектар тамаки, 0,40 гектар токзор (гарчи ток экишга шартнома бўлмасада) сизнинг ҳисобингизда бўлса, жами 1,20 гектар ерингиз бор экан-да, - деб сўраймиз (бу шартномада кўрсатилганидан 0,01 гектар фарқланяпти). А.Аҳадов дастлаб чалкаштираётганини тан олгандек бўлади, кейин эса "тамаки майдони 0,80 эмас, 0,50 гектар эди" дейди. "Қолаверса, хўжалик мен билан умуман шартнома тузмаган", деб туриб олади. Айнан, шу даъвога аниқлик киритиш учун бош иқтисодчи Л.Муродовдан изоҳ сўраймиз. У ҳужжатларни титкилаб, 262- рақам билан қайд этилган шартномани кўрсатади. Унда А.Аҳадовнинг таниш имзоси турарди. Аҳадов эса имзосини тан олмайди, "буни экспертиза тасдиқлаб берсин" дейди. Худди шунингдек, ширкат аъзоси Болта Хушвақтов "мен ҳеч қачон картошка экмаганман, шартномам йўқ, лекин хўжалик менга 7200 сўм қарз ёзиб қўйибди", деб даъво қилади. Ҳақиқатан, Б.Хушвақтов 2000 йилда картошка экмаган, 0,22 гектар тамаки экиб, шартнома режасини 31 фоизга бажарган. Пудратчи ҳақдек туюлади, иқтисодчи мулзам бўлади, бир оз ўтиб муҳим бир гап эсига тушгандек ҳушёр тортади-да, "балки 1999 йилда шартномаси бордир" дейди. Излаб, очиқ чеҳра билан қалин жилдни кўтариб келади. Ундаги шартномада Б.Хушвақтов 1999 йилда 0,04 гектар ерга картошка экиб, 600 кг ҳосил топшириши лозимлиги қайд қилинган ва унда "шартномадан кам етиштирилган маҳсулот қийматини пул билан тўлайман" деган шарт ҳам бор эди.

Бошқа масалаларда ҳам шунга ўхшаш ҳол кўзга ташланади: хўжалик тарафи янги қоидалардан келиб чиқиб йўл тутади, аъзолар эса буни тушунмайди, "қўшиб ёзди", "чўнтагига ўзлаштирди", "суиистеъмол қилди" деб даъво қилишади. Кўриниб қоладики, янги усуллар билан эскича қараш ўртасида катта англашилмовчиликлар мавжуд. Жумладан, А.Аҳадов деҳқон хўжалиги бўлиш учун ариза беради. Мақсади – яна қўшимча ер олиш, ўғилларига ҳовли-жой қилиб бериш бўлиши мумкин. Ширкат хўжалиги 2000 йил 2 майдаги қарори билан унинг аризасини қаноатлантиради ва деҳқон хўжалиги қилиб тасдиқлайди (ҳозир ширкатда деҳқон хўжаликлар сони-154 та). "Деҳқон хўжалиги тўғрисида" қонун талаблари асосида унга уй-жойи олдидаги 0,15 гектар ер томорқа қилиб берилади ва у ширкат аъзолигидан чиқарилади. Бу билан А.Аҳадов нимага эришди?

-Биринчидан, унинг эрки ўзида бўлди,- дейди ширкат хўжалиги раиси Барот Турсунов, -ерига нима экади, маҳсулотни кимга, қаерга пуллайди – ўзи мустақил ҳал қилади. Бундай тадбирлар ерни ҳақиқий эгасига топшириш, ундан самарали фойдаланишни таъминлаш йўлидаги тўғри ҳаётий қадамлардир.

-Сиз деҳқон хўжалиги бўлиш учун ариза беришдан олдин шу ҳақдаги Қонун билан танишдингизми?- деб сўраймиз Абдуқодир акадан.

-Йўқ,- дейди тўхталмай.

Балки ортиқча хафагарчиликлар, тушунмовчиликларнинг сабаби шу нуқтададир. Бозор иқтисодиётига ўтиш деган улкан ислоҳот ҳаммадан саводхонлик, етти ўлчаб бир кесиш сингари эҳтиёткорлик, тадбиркорликни талаб қилиб турганда, ўз имзосини тан олмаслик ёки тушунмай ариза ёзиб, кейин пушаймон бўлиб юриш билан нимага эришиши мумкин?

-Биз асло ўзимизни камчиликсиз, деб ҳисобламаймиз,- дейди раис Барот Турсунов. –Кўп нарсалар биз учун ҳам янгилик. Абдуқодир ака олий маълумотли иқтисодчи, шу хўжаликда ишлаган, ҳамма гапини очиқ-ойдин айтса, бир тўхтамга келардик.

Таҳлиллар кўрсатаяптики, кўп норозиликлар, шикоятбозликлар фуқароларнинг янгидан қабул қилинаётган қонунлар, қарорлар, бошқа юридик ҳужжатлардан бехабарлигидан келиб чиқаяпти. Кўплаб ташкилот ва корхоналарда бепул хизмат кўрсатадиган юридик маслаҳатхоналар ташкил қилинган, бундай тадбирни қишлоқ жойларида ҳам амалга ошириш лозим бўлаяпти. "Янгиариқ" ширкат хўжалигидаги "Маънавият ва маърифат" хонасини берк ҳолда кўрдик, шундай масканларни одамларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилдириш қийинми?

Эътибор қилган бўлсангиз, А.Аҳадовнинг норозилигига бригадир Аваз Соҳибназаровнинг муомаласи туртки бўлган. Аввало, "бригадир" деган атама устида ўйлаб кўриш, керак эмасми? Ширкат хўжалиги шароитида унинг ўрни қанақа, вазифаси нима? Баъзи жойларда уни бошқача номлар билан аташади. Бу ерда сайланган (ҳа, бригадирлар сайланар экан) 17 нафар бригадирнинг 16 нафари ўрта маълумотли, улар 500-1000 одамга етакчилик қилади. Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, бундай вазифага сайлаш эмас, эҳтимол, тайинлаш керакдир... А.Соҳибназаров ўз аризасига кўра яқинда ишдан бўшабди.

Шикоят хатида хўжалик фаолиятининг бошқа қирралари – пилла ва дон тайёрлаш, томорқа тақсимлаш, банкдаги маблағлардан фойдаланиш билан боғлиқ кўплаб масалалар қаламга олинганки, албатта, булар юзасидан мутасадди идоралар ўз фикрини билдиради.

Биз эса ушбу шикоят шарҳи ва таҳлили асосидаги фикрларга нуқта қўяр эканмиз, бир ҳақиқатни яна ва яна такрорлашни жоиз кўрдик. Ислоҳотлар шароитида оддий деҳқондан тортиб раҳбару мутахассисгача қонунларни, шартнома шартларини, янгича муносабатлар моҳиятини теран билмоғи зарур. Ана шунда Абдуқодир ака сингари беҳуда сарсон бўлмайди ва кўпдан-кўп англашилмовчиликларга ўрин қолмайди.

**Ҳ.САТТОРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ДОНИ БОРНИНГ — НОНИ БОР

**(Боши 1-бетда)**

**Шукурки, бугун Ўзбекистонда, жумладан, вилоятимизда дон ва нон муаммоси йўқ.**

-Худди шундай. Вилоятимизда ғалла хирмонининг йил сайин кўпайиб бораётганлиги қувончли ҳол. Масалан, 1996 йилда давлат буюртмаси учун уюшмамиз корхоналарига 86 минг тонна дон қабул қилинган бўлса, бултур бу миқдор салкам 146 минг тоннага етди. 1999 йил мавсуми ҳам бухоролик ғаллакорлар учун ёдда қоларли бўлган. Давлатга ғалла топшириш бўйича йиллик режани мамлакатда биринчи бўлиб бажарган вилоятимиз ғаллакорлари ва меҳнаткашларига Президентимиз табрик хати йўлладилар. Хатда битилган самимий дил сатрлари ҳамон тўлқинланиб эсланади. Айни чоғда дон қабул қилиш масканларидан элеваторларга ташиб келтирилган ғалламиз янги ҳосилни ўриб-йиғиб олгунча етади, ҳатто ортиб ҳам қолади.

**-Ҳозир ҳамма жойда сарҳисоб бораётганини ҳисобга олиб, уюшма корхоналарида ўтган йил иқтисодий кўрсаткичлари қандай бўлганлигига тўхталсангиз.**

-Бултур уюшмамиз иқтисодий кўрсаткичлар бўйича республика "Ўздонмаҳсулот" давлат акционерлик корпорацияси корхоналари орасида энг юқори натижага эришди. 7,2 миллиард сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу 1999 йилга нисбатан 1,6 миллиард сўм кўпдир. Ун ишлаб чиқариш 87 минг тоннага, омухта ем 39 минг тоннага етди. Шунингдек, қопсиз ун ташиш йиллик ҳажми 122 фоизга бажарилди. Уюшмада олинган соф фойда 80,6 миллион сўмни ташкил этди. Ишчи-хизматларнинг ўртача ойлик маоши 10-12 минг сўмга тўғри келмоқда. Акциядорларимиз номинал қиймати 700 сўм бўлган ҳар бир акцияларига 1442 сўмдан дивидент оладилар.

**-Уюшмада нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқариш аввалги йил билан солиштирилганда 141 фоизга кўпайган. Буни қандай изоҳлайсиз?**

-Нима дėмоқчи бўлганингизни тушундим. Дарҳақиқат, олдинги йил билан солиштирганда, "Бухоронон"да 157 фоизга, бош корхонамизда 174 фоизга, "Яккатут"да 193 фоизга нон-булка маҳсулотлари кўп ишлаб чиқарилган. Бу рақамларни шундай изоҳлаш мумкинки, бозор иқтисодиёти ишлаб чиқаришда ҳамиша рақобатни талаб этади. Бизнинг нонвойларимиз билан асосан якка тартибда фаолият кўрсатаётган нонвойлар ўртасида ҳамиша юқори сифат учун рақобат бор. Ана шу ҳолатни инобатга олиб нонвойларимизга замонавий чет эл технологиясини олиб киришга, янги цехлар очишга, кадрлар масъулияти ва малакасини оширишга эътибор кучайтирилаяпти. Бу маҳсулот сифатини яхшилашга, турларини кўпайтиришга, харидор талабини қондиришга хизмат қилмоқда.

Фақат бугина эмас. Кондитер маҳсулотларига ҳам эҳтиёж ортмоқда. Бу маҳсулотни ишлаб чиқариш бир йилда 60 тоннага кўпайтирилди. Бухоро шаҳридаги "Кўк сарой" нонвойхонасида бултур қўшимча линия ўрнатилиши билан қандолат маҳсулотлари тури 15 тага кўпайди. Ишлаб чиқаришда янги техника ва технологияларни жорий этиш борасидаги ҳаракатларимиз тўхтовсиз давом этади.

**-Уюшма корхоналарида ишлаб чиқарилаётган омухта емга паррандабоқарлар, чорвадорлар ва бошқалар томонидан баъзи эътирозлар ҳам бўлиб туради. Бунисига нима дейсиз?**

-Гапингиз тўғри. Авваллари эътирозлар кўп бўларди. Ҳозир эса маълум даражада камайди. Сабаби – омухта ем таркибида зарур бўлган элементларни тўлиқ топиш муаммоси ўз ечимини топганича йўқ. Бултур атиги 5 минг тонна арпа қабул қилдик. Шунга қарамай аҳволни ўнглаш учун ҳаракат қилаяпмиз. Дастлабки қадамларимиз яхши самара бераяпти. Масалан, омухта ем таркибини яхшилаш мақсадида бултур хўжаликлар ва аҳолидан 500 тонна маккажўхори дони қабул қилдик. Жорий йилда бундай имкониятларни янада кенгайтириш чораларини кўраяпмиз.

**-Яна ғаллачилик, деҳқончилик масаласига қайтсак, Бухорода уруғлик дон муаммоси қачон ҳал этилади? Қачонгача бошқа жойлардан уруғлик харид қилиб келтирилади?**

-Долзарб муаммодан гап бошладингиз. Хабарингиз бор, кейинги йилларда вилоятимизда 60 минг гектар майдонда экилаётган ғалла уруғини таъминлаш бизнинг зиммамизда. Бунинг ташвишлари оз эмас. Бухорода ғалла уруғчилигини йўлга қўйишга вилоят ҳокимлиги бевосита раҳбарлик қилмоқда. Шу йўналишда иш олиб бориб, 1999 йилдан уруғлик ғалла тайёрлашга қўл урдик. Вобкент ва Ромитанда уруғлик донни қабул қилиш, уни тозалаб, дорилаш, қоплаш цехлари ишга туширилди. Дастлабки йилда вилоятда 2400 тонна уруғлик ғалла тайёрланган бўлса, бултур цехлар "Пектус" русумли ускуналар билан қайта жиҳозлантирилгач, бу кўрсаткич 7000 тоннага етди. Табиийки, бу жараён изчил давом эттирилади, ҳадемай биз кўзлаган мақсадимизга эришамиз.

**-Кўп ўтмай, янги дон ҳосилини қабул қилишга тайёргарлик ишлари ҳам бошлаб юборилиши лозим. Мавсум тараддудидан кўнглингиз тўладими?**

-Аллоҳдан ҳамиша деҳқончиликка барака беришини тилаймиз. Ғаллакор билан ҳамиша ҳамкор, ҳамнафасмиз. Бу йилги қиш об-ҳавосидан улар мамнун. Экинларнинг ривожи ҳар қачонгидан яхши. Биз уларни қўллаб-қувватлаб, вақтида бўнак маблағларини тўлаб турибди. Насиб этса, жорий йил ғалла хирмони ҳар қачонгидан ҳам мўл, баракали бўлади. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн йиллигини дастурхонлар тўла ширмой нон ила кутиб оламиз. Мамлакатимиз нон мамлакатига айланади. Дони борнинг – нони бор деганларидек халқимиз кўнгли хотиржам яшайди. Ғаллакор юкининг бир қисми елкамизда эканлигини ҳис этиб, ҳамиша улар хизматига камарбастамиз. Янги ғалла ҳосилини ўз вақтида ташиб олиш ва қабул қилиш тадбирлари аллақачон ишлаб чиқилган. Дон қабул қилиш масканлари ва корхоналарда асосий тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Шубҳа йўкки, янги асрнинг биринчи йилида Бухоро ғаллакорларининг хирмони янада баракали бўлади. Ҳаммамизнинг орзу-тилакларимиз айнан шу мақсадга қаратилган.

Суҳбатдош:

**Дилмурод ЖАББОР,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ТАДБИР КЎРГАН ҚАРАБ ҚОЛМАЙДИ

***Бойсунликлар кутилмаганда тушган қордан шошиб қолишди.***

-Бодом гуллади, деб роса суюнгандик. Буни қаранг ковуш ботадиган даражада қор ёғди-я – дейди "Шўроб" ширкат хўжалигининг боғбони Бердимурод Алимов. - Кеча оқшомги совуқни эсласам вужудимда титроқ туради. 39 гектарлик куртаклаб гулга кирган боғим энди нима бўлади дейман.

- Яратганнинг ўзи қўлласа ҳеч гапмас. Бундан-да қийин йиллар бўлган, — ҳамкасбига таскин беради Умбор Бўтаев. - Кузда барча дарахтларнинг тагига бўздан ҳимоя қўйиб чиққанман. Кеча қараб чиқдим: совуқ танасига ўтмабди. Ҳеч қиси йўқ. Офтоб чиққач бир тагини юмшатиб қайчиласак яна ўзини тутиб кетади.

Ширкат хўжалиги раҳбари Халил Бойматовнинг айтишича, бундан тўрт-беш кун илгари қишлоқ оқсоқоллари кун жуда қиздираяпти, раис, бир балоси бор-ов, буни ҳисобга олиб қўйиш керак деган экан. Шу боис мевали дарахтларга тасмалар ўралибди. Айримлар ҳатто совиган кунларда ишлатиш учун боғ ораларига похол ҳам келтириб қўйишибди. Чунки боғ боғбонга ижарага берилганда

-Қантар оғгач қор турмайди. Шу боис бу биз учун қўрқинчли эмас. Бодомни билмадиму, аммо боғдорчиликдан йил якунига бориб 8 миллион сўм даромад қилишни мўлжаллаб турибмиз, деди хўжалик раҳбари сўзини якунлаб.

**"Туркистон-пресс"**



**Уйчи туманидаги "Соҳибкор" ширкат хўжалигида меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимоясига доимо эътибор бериб келинади. Ўтган йили кам таъминланган оилаларга 230 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бу ишларга хўжалик касаба уюшмаси қўмитаси аъзолари бош-қош бўлмоқдалар.**

**СУРАТДА: хўжалик касаба уюшмаси қўмитаси раиси Латифжон Жўраев (чапдан иккинчи) ширкат аъзолари билан суҳбатлашмоқда.**

П.АКБАРОВ олган сурат.

ЯХШИ ХАБАРЛАР

## САМАРҚАНДГА КЕЛУВЧИЛАР КЎПАЯДИ

***Самарқанд аэропортининг имкониятлари кундан-кунга кенгайиб боряпти.***

Наврўз байрами арафасида бу ерда бир қатор халқаро йўналишлар бўйича янги қатновлар очилади. Ҳар ойда 1 марта Самарқанд-Тель-Авив, ҳафтасига 2 марта Самарқанд-Москва, ҳафтасига 1 марта Фарғона-Самарқанд-Қозон йўналишлари бўйича қатновнинг йўлга қўйилиши йўловчиларга катта қулайлик яратади.

Энг асосийси, сайёҳлик ҳудудига айлантирилиши кўзда тутилган Самарқандда бундай янги-янги қатновларнинг йўлга қўйилиши қадим ва тобора замонавий қиёфа касб этиб бораётган шаҳарга бутун дунёдан интилувчилар янада кўпайишига замин бўлади.

## ЕРГА УРУҒ ТУШДИ

***Данғара туманидаги «Данғара» ширкат хўжалигининг Н.Солиев етакчилик қилаётган жамоа деҳқонлари Фарғона вилоятида биринчилардан бўлиб плёнка остига чигит қадашни бошлади.***

Бу йил ширкат хўжалигида 654 гектар ерга чигит экилади. Унумдорлиги юқори бўлган 110 гектар майдонга Андижон усулида уруғ қадалади. Қолган майдонларда эса пуштада ҳосил етиштириш кўзда тутилган. Соҳа мутахассисларининг фикрича, пуштага уруғ қадаш ҳам туман ер ва иқлим шароитида яхши самара беради. Аввало, экин майдонлари намликни узоқ сақлайди, бу эса уруғ унумдорлигини таъминлайди, ёз ойларида ниҳолларни сувга ортиқча ташна қилмайди. Қолаверса, ёғингарчилик туфайли юз берадиган қатқалоқнинг олди олинади.

- Айни кунда плёнка остига чигит экиш ишларига 26 та сеялка жалб қилганмиз,- дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Алишер Деҳқонов. - Уларнинг кўмагида 700 гектар майдонга чигит экилади. Мавсум давомида мавжуд 9 минг 230 гектар экин майдонларимизнинг 5 минг гектарида пуштага уруғ қадаймиз. Бу ишлар учун 114 та сеялка тахт қилиб қўйилган.

**(ЎзА)**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ОВРУПО ИТТИФОҚИНИНГ ТАЛАБИ

***Оврупо Иттифоқи Ариэль Шарон ҳукуматидан Фаластин ҳудудларидаги қамални енгиллаштиришини сўраган.***

Ўтган йилнинг сентябр ойидан бери икки томон ўртасидаги вазият анча таранглашган эди. Яҳудийларнинг ҳозирги қамали оқибатида фаластинликлар орасида ишсизлик сони кескин ошиб кетган бўлиб, қийинчиликларни енгишда уларга беғараз иқтисодий ёрдам бераётган ягона манба Оврупо Иттифоқи ҳисобланади.

Бош вазир А.Шарон эса, агар Исроил аскарларига нисбатан уюштирилаётган тажовузлар бартараф этилса, Фаластин мухторияти билан тинчлик музокаралари олиб боришга тайёрлигини билдирган, дейилади Дойче Веллэ агентлиги хабарида.

## ЮҚОРИ ДАРАЖАЛИ УЧРАШУВ

***Оқ уй матбуот котиби Ари Флейшернинг айтишича, 19 март куни Япония бош вазири Иосиро Мори Вашингтонга келади.***

Президент Жорж Буш ҳамда Иосиро Мори ўртасида бўлиб ўтадиган учрашув чоғида сўнгги пайтларга келиб анча мураккаблашиб қолган икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг келгусидаги истиқболлари муҳокама этилади. Бош вазирнинг Америкага уюштирадиган ташрифи, у истеъфога чиқмаслиги аниқ бўлгандан сўнг режалаштирилган, дея хабар берди Си-Эн-Эн агентлиги.

## ХОРИЖИЙ АРАЛАШУВГА ЭҲТИЁЖ ЙЎҚ

***Эрон ислом давлати раҳбари Муҳаммад Ҳотамий ва Россия президенти В.Путин бўлиб ўтган Кремлдаги учрашувда икки давлат ўртасидаги алоқалар тўғрисидаги битим ҳамда бошқа муҳим ҳужжатлар имзоланди.***

Энди, келгусида Россия Эронга ҳарбий анжомлар етказиб беради ва бунинг натижасида ўз иқтисодий салоҳиятини оширишга ҳаракат қилади.

Бугунга келиб, Эрон ҳукумати қуролли кучларини янгилаш учун 45 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратган бўлиб, ҳарбий соҳада Хитой, Олмония, Буюк Британия давлатлари билан ҳамкорлик олиб бормоқда. "Новости" ахборот маҳкамасининг хабарича, Муҳаммад Ҳотамий Москвада сўзлаган нутқида Каспий минтақасига хорижий давлатлар аралашуви барқарорликка хавф туғдиришини ва бундай ёрдамга эҳтиёж йўқлигини айтиб ўтган.

## ПИНОЧЕТ УЙ ҚАМОҒИДАН ЧИҚАРИЛДИ

***Би-Би-Си жаҳон хизматининг хабарларига қараганда, Чили суди собиқ давлат раҳбари Августо Пиночетни 3,5 минг доллар эвазига уй қамоғидан озод этди.***

Ҳозирда 85 ёшни қаршилаган генерал Пиночет мамлакатда юзага келган 1973 йилги ҳарбий бурилишлар туфайли ҳокимият тепасига келганидан сўнг ўлдирилган ва дом-дараксиз йўқолган 70 дан ортиқ сиёсий маҳбуслар тақдири билан боғлиқ жиноятларни яширишда айбланмоқда.

## ҚЎШИНЛАР ОЛИБ ЧИҚИЛА БОШЛАНДИ

***Интерфакс агентлигининг хабар беришича, Россия Федерациясининг Чеченистонга жойлаштирган 80000 нафар аскардан иборат қўшинларининг баъзилари олиб чиқила бошланди.***

Бунга Чеченистондаги ҳарбий ҳаракатларнинг тугатилганлиги сабаб бўлди.

Шу муносабат билан Хонқаладаги ҳарбий базада мотоўқчи бригадани тантанали кузатиш маросими ўтказилди. Биринчи, галда оғир ҳарбий техникалар ва ҳозирда ўз вазифасини бажариб бўлган бўлинмалар тарк этмоқдалар. Бунинг натижасида эса мамлакатдаги бошқарув тизими секин-аста Федерал кучлардан чечен маҳаллий ҳокимиятлари қўлига ўтиб боради.

## МАҲБУСЛАР ВАТАНИГА ҚАЙТАРИЛДИ

***Қизил хоч халқаро қўмитаси вакилларининг айтишича, Эфиопия ҳукумати қамоқхоналарда сақланаётган 242 нафар эритреиялик маҳбусларни озод этди.***

Ўтган йили тинчлик шартномаси имзоланган куни - 12 декабрда ҳам Эритреиянинг 856 фуқароси ватанига қайтарилганди. Эслатиб ўтамиз, мазкур икки давлат ўртасида бўлиб ўтган икки йиллик уруш натижасида 10 минглаб одамлар ҳаётдан кўз юмган.

## БОРОДИН ШИФОХОНАДА

***Ҳибсда сақланаётган Россия-Белоруссия Иттифоқи давлат котиби Павел Бородин юрак хуружи хасталиги билан Нью-Йорк шифохонасига ётқизилди.***

Бундан сал аввалроқ эса, Бруклин федерал суди судьяси Иттифоқ котибини гаров эвазига озодликка чиқарилишини рад этган. Шунга қарамасдан Россия томони уни қамоқхонадан халос этиш учун бор имкониятлар даражасида ҳаракат қилмоқда, дея айтди АҚШдаги Россия Федерацияси элчиси Юрий Ушаков.

## НАМОЙИШЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА

***Амалдаги президент Абдураҳмон Воҳиднинг истеъфога чиқишини талаб этиб минглаб талабалар Жакарта шаҳрида намойиш ўтказмоқдалар.***

Ўз навбатида эса, дея хабар беради Рейтер агентлиги, ҳукумат қўшинлари бундай норозиликларни бартараф этишга ҳаракат қилмоқда. Индонезия армия генерали Эндриартоно Сутартонинг айтишича, қуролли кучлар талабаларнинг мазкур ҳаракатлари мамлакат бўйлаб тарқалишига йўл қўймайди.

АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл эса Индонезия ташқи ишлар вазири Алви Шихабага Америка мухолифатчи кучларни қўллаб-қувватламаслигини, аксинча, намойишларни бостиришда ҳукумат қўшинларига ёрдам беришини билдирган.

## ГИЁҲВАНД МОДДАЛАР ТОПИЛДИ

***Сербия Ички ишлар вазирлигининг Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Жиноят қидирув бошқармаси сейфларида бир неча юз килограмм миқдоридаги гиёҳванд моддалар сақланаётганлиги маълум бўлди.***

Умумий қиймати 60 миллион немис маркасини ташкил этаётган мазкур героин, кокаин, гашиш, марихуана моддалари ички ишлар вазирлигининг янги раҳбари Душан Михайлович ўз вазифасини қабул қилаётган вақтда топилган эди. Ҳозирда ушбу жиноятга алоқадорликда гумон этилиб, ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилган 5 нафар собиқ ходим ҳибсга олинган.

**Молиявий Янгиликлар Агентлиги**
**"Виртуал кутубхонаси" билан**
**ҳамкорликда тайёрланди.**

**Покупаем буровые коронки и шарошки.**
**Тел: 8-3272-970333; 8-333-2161973**

МАВСУМ

## ПАХТА НАВЛАРИ СИНАБ КЎРИЛМОҚДА

***Хайрихон Эргашева номли ширкат хўжалиги пахтакорлари Балиқчи туманида биринчи бўлиб беш иш кунида 466 гектар майдонга ўн бир хилдаги чигит навини плёнка остига экдилар.***

- Шу мавсумдан эътиборан хўжалигимизда пахтанинг Андижон шароитида унчалик кенг тарқалмаган навлари синаб кўриладиган бўлди, - деди "Туркистон-пресс" мухбирига хўжалик бошқаруви раиси Ғофуржон Қодиров, - Бунга сабаб шўрланган, қумлоқ, тошлоқ ҳамда заҳ сувларга яқин далаларнинг кўплигидир.

Иш оилавий пудрат асосида ташкил этилган. Чек системаси жорий қилингани муваффақиятларимизга гаров бўлди. Чунки, моддий манфаатдорлик ҳосил салмоғига ўз таъсирини ўтказади.

# МУЗРАБОТДА "ТРАКТОРБЎЯМАЧИЛИК"

**(Боши 1-бетда)**

Муболағасиз, уларни бўяш учун миллион сўмлар кетган-ов! Шу маблағнинг ҳеч бўлмаса ярмига эҳтиёт қисм олишса бўлмасмиди?! Бунака тракторбўямачилик кимга керак?!

"Тамирланиб", "аскарлардай тизилиб" турган техникаларнинг 5-10 таси экишга яроқли, холос! Қолган 70-80 фоизи титилиб-тўкилиб бораётир! Бирининг баллони, ишонинг, 35 жойларидан ямалган. Яна ейилиб тамом бўлгани-чи? Бошқа бир тракторнинг у еридан ҳам, бу еридан ҳам шариллаб сув оқаётир. Орқасида сеялка, ўзи сув сепгичмикин, дейсиз? Манови сеялканинг чигит тушадиган мосламаси йўқ. Неча трактор аккумуляторсиз. Яна биттаси сеялкани кўтармас экан. Демак, даланинг бу бошида 4 киши, у бошида 4 киши трактор бурилаётганда сеялкани кўтариб юради. Янги "технологияда"!

Тошпўлат Жалилов Собир Саттаров номли хўжаликдан: тракторчи...

-Таъмирланганми, техникангиз? – сўраймиз.

-Таъмирланган деса ҳам бўлаверади...

-Нега тракторингиздан сув оқиб ётибди, буёғи мой томчилаётир...

-Шу... энди... биласиз... ҳали...

-Чигит солинадиган идиш қийшайиб қопти-ку! Маҳкамланмаган ҳам. Бунда қандай қилиб чигит экасиз?

-Ҳали ремонт қиламиз... мусулмончилик – астачиликда...

-Тракторингиз ўзи юрадими ё металломдан олиб келдингизми?

-Раис ёрдам қилса ишлаб кетади... Топливний аппарати ўлганда... распредители ҳам бўлмаяпти-да... каттала баллон ҳам бермайди... яхши созласа яхши ишлайди...

Тошпўлат Жалилов мард тракторчи экан. Тўғрисини айтди. Таъмирланса, ишлайди! Фақат бўяб қўйганга трактор юрмайди. Тошпўлат акага ўхшаб 30-40 тракторчининг бири қўйиб, бири куйинади: "Раҳбарларга ҳайронмиз, "запчаст" бермайди, созла, дейди".

Музработ туман техника назорати бўлими бошлиғи Назар Худойбердиевга юзланаман:

-Биронта трактор билан чигит экиб кўрсак бўлмайдими?

-Қизиқ экансиз... кўрмаяпсизми, булар билан чигит экиб бўлама?

Назар Худойбердиев ҳам қизиқ экан, унда бу йил Музработ тумани нима билан чигит экади?

Буям ҳолва экан. Хўжаликлар кучи етганча таъмирлаганда, дейсиз. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши билан бу йил экиш техникаларини туманлар МТПларида таъмирлаш кенг йўлга қўйилди. Бошқа туманларда бу жуда қўл келди.

Афсуски, Музработ МТПисида тракторбўямачилигу сеялкабўямачиликдан нари ўтилмади. Туман МТПиси бошлиғи Шавкат Абдуллаев билан суҳбатлашсангиз қўйнингиз пуч ёнғоққа тўлади. 583 та трактордан 510 таси, 141 та сеялкадан 138 таси тайёр, эмиш. Қолганлари ҳам секин бўлаётганмиш... Таъмирланганларини кўрайлик... Ажаб, устахонадаги "тайёр" сеялкалар ярқираб турибди. Бу сеялкаларни ҳар қандай деҳқон орзу қилади. Бироқ... бунисининг ғилдираги айланмайди. Бирининг чигит экиш мосламаси узилган. Бошқасининг чигит идиши "рақсга" тушаётир... Тайёрида юз хил нуқсон!

Бу ерда "СЕЯЛКАБЎЯМАЧИЛИК"!

Музработда бўёқ кўп. Чигит экиш барвақт тугалланса, ажаб эмас. Чунки, "бўямачилик"ни обдон ўрганган кишига "режабўямачилик" қийин иш эмас-ку?!

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



**Оқдарёда мева-сабзавот мўл бўлади. Уларнинг истеъмолдан ортганини қайта ишлаб, яна халқнинг ўзига қайтариш эса, бугуннинг гапи. Туман мевани қайта ишлаш корхонасида ўтган йили 2791 тонна помидор, 3859 тонна мева қайта ишланиб сотувга чиқарилди.**

**СУРАТДА: муҳандислар М.Солиев ва Т.Ҳасановлар тайёр маҳсулотни кўздан кечиришмоқда.**

Б.АКРАМОВ олган сурат

# УЧ ГЕКТАРДАН УЧ МИЛЛИОН

***"Хива" ширкат хўжалиги бош ижарачиси Сафо ака Собировни далада учратдик.***

Табиатан камгап, сўзлашдан кўра ишлашни яхши кўрадиган Сафо ака мақсадимизни англагач, ён дафтаридаги баъзи маълумотларга кўз югуртирар экан, сўз бошлади.

-Ўтган йили полиз ва сабзавотчиликка ажратилган 11 гектар майдоннинг 3 гектарига помидорнинг "Волгоград" навидан эккан эдик. Шундай баракали бўлди-ки, совуқ тушгунга қадар ҳосил берди. Гектаридан 1000 центнердан зиёд помидор йиғиштириб олдик. Сарҳисоб қилганимизда шу экиннинг ўзидан 3 миллион сўм даромад олдик. Шунинг 2 миллионга яқини соф фойда.

...Улар уруғни ўзлари танлаган эканлар. "Ўзсабзавотуруғлари" уюшмасидан помидор, бодринг, тарвуз уруғлари келтирилган. Бу ҳам мустақиллик шарофати, деҳқонга эрк берилганлигининг бир намунаси. Истиқлол деҳқонни Ернинг ҳақиқий хўжайинига айлантирди. У ерга нима экишни, қачон ва қандай экишни ўзи билади.

ИЖАРА

-Биз ширкат хўжалиги бошқаруви билан ерга қайси экинлар экиш ва қанча махсулот етиштиришни шартномалашамиз. Аввалгидек уруғни мен айтган пайтда экасан, ҳосилни фалон кунда, фалон жойга топширасан, деган буйруқлар йўқ. Юқори ташкилотдан фойдали маслаҳатлар, ўринли кўрсатмалар, амалий ёрдамлар оламиз, холос, - дейди С.Собиров. – Меҳнатимизни қадрлашмоқда.

1998 йилда кўп йиллик меҳнатларини инобатга олган туман ҳокимлиги С.Собировни бепул "Нексия" енгил машинаси билан мукофотлади. Оддий деҳқоннинг бундай рағбатдан боши осмонга етди.

-Жамоадаги ишлар билан таниша борганимиз сари уларнинг муваффақиятлари кўзга янада яққолроқ ташланди. 1 гектар ерга экилган пиёздан 740 минг фойда олинди. 5 гектар майдонга экилган тарвуз ҳам юқори даромад келтирибди. Бу жамоада ишловчилар ердан икки маротаба ҳосил олишар экан. Сабзи, пиёз, турп, қовун каби экинлар уруғини ўзлари тайёрлайдилар.

Бу йил 128,5 гектар майдонда деҳқончилик қиладиган жамоа аъзолари кўтаринки кайфиятда ишни бошлаб юборишди. 39 гектар майдондаги буғдой икки маротаба ўғитланганлиги туфайли дуркун ривожланмоқда.

**Х.ҚУРБОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

ЧОРВАЧИЛИК

***Чиноз туманидаги "Болпон" фермер хўжалигига қарашли чорва бир жойга йиғилса Сарибой Валиевнинг ҳовлисига сиғмай кетади.***

## ДАНГАСАНИНГ КОСАСИ ОҚАРМАЙДИ

- Ўттиз йил колхозда ишлаганим бирy тўрт йиллик фермерчилигим бир бўлди, - дейди у ўзи ҳақида гап кетса. – Илгари зоотехникман, деб шалдироқ "Виллис"га минволиб эртаю-кеч ҳовлиқиб юраверган эканман. Фойдаю жоннинг ҳузури бу ёқда экан. Биров эй, нари тур, бери тур, демайди. Топганим ҳам, йўқотганим ҳам ўзимники.

Фермер ҳақ. Унинг бугунги кунда 35 бош туяси, 70 дан ортиқ йилқиси бор. Йилқилари орасида кўпкарида соврин олиб чавандозлар назарига тушганлари ҳам йўқ эмас. Масалан, Сарибой ака ўтган йили бир йилқисини янги "Нексия"га алмашмади. Яхши от йигитнинг бахти, омади. Уни сотиб бўларканми, дейди у.

Чорванинг кўплиги яхшию, аммо уни қандай боқаркин дерсиз? Ўринли савол. Чунки айрим одамлар ўз оиласида икки-уч бош қорамолни сақлашга қийналишади. Чорванинг турган битгани зарар-да, дея нолишади ҳам. Фермер эса йилқию туяларини кўпайтирмоқчи.

- Чорвамга яраша "Эшонобод" ширкат хўжалигидан ижарага ер олганман. Унинг бир қисмида пахта, бир қисмида хашак етиштирдим, - дейди фермер бу ҳақда гап кетганда. - Туячилик билан шуғулланиш эса менга отамерос. Унинг сутини оиламиз билан хуш кўрамиз. Ҳар бир туямиз ўртача кунига 10-15 литргача шифобахш сут беради. Унинг жуни ҳам минг дардга даво. Аммо бу жониворни боқиш осон эмас. Берган сутига яраша хашакни ҳам ўпиради. Шу боис кўкламдан то кеч кузгача бизда тиним йўқ, даладан хашак йиғамиз. Очиғини айтганда эса дангасанинг косаси оқармайди бугун.

**"Туркистон-пресс"**





Ўрта Чирчиқ тумани соғлиқни сақлаш тизими ходимлари аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишдек эзгу ишларнинг бошида турибдилар. Туманда 6 та шифохона, 8 та қишлоқ шифокорлик пункти, 12 та қишлоқ шифокорлик амбулаторияси, 1 та марказий поликниника, шунингдек, болалар маслаҳатхонаси аҳолига беминнат хизмат кўрсатмоқда.

**СУРАТЛАРДА:** 1.Акушерлик комплекси чақалоқлар бўлими ҳамшираси Сабоҳат Сиддиқова махсус текширув жараёнида. 2.Болалар шифохонасининг реанимация бўлими бошлиғи Дилшод Раззоқов ва ҳамшира Нафиса Эшматова.

А.ЭГАМҚУЛОВ олган суратлар.

# ҲАЁТНИНГ ЎЗИ САБОҚ

(Боши 1-бетда)

Эҳтимол, илм эзгулик машъали, комиллик чироғи, деганлари шундандир.

Бу телба дунёнинг мақсадсиз, истиқболсиз телбаликларидан энг оғири падаркушлик эди. Буни Исломдан яхшигина таҳсил олган Абдуллатиф билмасмиди? Тарихда отасига қўл кўтарган не-не фарзандларнинг аянчли қисматидан у воқиф эмасмиди? Бироқ, у ўйладики, бу сафар тақдир унга бўлакча нигоҳ ташлайди. У салтанат учун эмас, дини ислом йўлида шу қабиҳликка боришга мажбурман, дея ўзини оқламоққа киришди. Охир-оқибат тарих тегирмони дўлида ҳақиқат бутун борлиғини намоён қилди. Ота қарғишига ботган юзлаб, минглаб падаркушлар қатори ҳамон у инсоният тавқи лаънатига учраб, бадномлик рамзи сифатида тилдан-тилга кўчмоқда.

Оғир мисол.

ТААССУФКИ, ҳаёт силсиласини синчковлик билан кузатадиган ва унинг хилма-хил ғавғоларидан ибрат оладиган фозиллар камдай туюлаверади. Агар ўтган кунимиз биз учун муҳим қўлланма эканлигини англаб яшаганимизда эди, эҳтимолки, йўлимиздаги ғовлар бу қадар бисёр, орзу-умидларимиздаги пуч хою-ҳаваслар сероб бўлмасмиди?!

Мана шундай изтиробли кечинмалар бағрини хун қилгандирки, буюк бобомиз имом Мотуридий "Эй вужуд, тупроқдан яралгансан-у, нега ундан ибрат олмайсан?" дея хитоб айлаганларида араб донишмандларидан бири "Тушунган одамга ҳар воқеа-сабоқ" деб жавоб қилганди.

Нақадар дуру-жавоҳирларга тенг панд-насиҳат, мағзи бутун калималар бу...

Модомики гап ҳаётдан ибрат олиш хусусида борар экан, ўзим кузатганим – икки раҳбар билан боғлиқ воқеа хусусида сўзлаб берай.

Вилоятимизнинг туманларидан бирига ёш, ғайратли, уддабурон раҳбар келди. Даставвал, у астойдил ишга киришди, кўрсаткичларни яхшилашга уринди. Бу "Об-ҳаво"ни илғаб олиш ва томир отиш даври эди. Орадан кўп ўтмай, ўзи ҳақида илиқ фикрлар туғилиши асносида унда энг хавфли иллат - кибр бош кўтарди. Машойихларнинг "Қалбида заррача кибр яшаган одам Ҳақ раҳматидан узоқдир" деган ҳикматини унутиб қўйди.

Бироқ, ёшлигида кечган бир воқеа ёдидан кўтарилмаган экан. Ўшанда у ёшлар етакчиси, "рақиби" эса хўжаликда котиб эди. Бир гал хонага папиросни буруқситиб киргани учун ундан танбеҳ эшитди. Қарангки, у саломатлик ва оддийгина инсонийлик зийнати назарда тутилиб айтилган бир оғиз сўзни худди милтиқнинг ўқидай юрагида йигирма йил "авайлаб", сақлаган экан. Раҳбарлик фаолиятига икки ой тўлар-тўлмас ўша рақиби - раисни ҳузурига чорлади:

-Биламан, сиз чекмайсиз, мен эса чекаман. Икки хил табиатимиз билан бир жойда ишлай олармикинмиз?

Унинг ғолибона иддаосини тушунган кекса одам индамай аризасини берди. Бироқ, унинг мушкули бу билан енгиллашмади. Бирин-кетин фарзандлари, куёви қувғинга учраб, оила анчагина моддий, энг ёмони маънавий талофат кўрди.

Амалдорнинг юрагида сақлаган "дарди" шу билан тугамабди. У энди ўзидан аввалги раҳбарни қистовга ола бошлади. Соғлом фикрли, диёнатли кишиларни ўзига душман билди. Икки кишининг боши бир жойда турганини кўргани ҳамон ўзидан хавфсирайдиган, "Мени ғийбат қилишяпти", дея хавотирланадиган одат чиқарди. Натижада, туманда осойишталик, ҳаловат , меҳр-оқибат ўрнини фисқу-фасод, алдамчилик, аризабозлик, тарафкашлик эгаллади.

Натижа шуки, у ғаразли мақсадларга тобелиги боис ўзи кавлаган жарликка ўзи қулаб, эл-юрт олдида юзи шувит, дили вайрон бўлди. Энг ёмони, бировнинг кўзига боқолмайдиган, тўй-маракаларда қатнашолмайдиган ҳолатга тушиб, одамлар орасида танҳоликка юз тутди.

Шунинг учун ҳам алломалар "Раҳбарликка етишмоқликдан аввал сабр-матонатли ва диёнатли бўлишга эриш, иймонли, камтар бўл. Йўқса, ҳимоянгдагиларни саодатга эмас, залолатга етаклайсан", дейишган-да.

Энди иккинчи воқеани эшитинг.

Яна бир туманга бошқа жойдан раҳбар қўйилди. У эртаси куниёқ собиқ раҳбарни йўқлаб борди. Яхши лавозимлардан бирига тавсия этди. Унинг туман иқтисодиёти, ободончилигига қўшган ҳиссасини халқ яхши билишини айтиб, руҳан мадад берди, кўнглини кўтарди.

Кунларнинг бирида янги раҳбарнинг собиқ "ҳамкурси"си идорасига йўли тушиб қолди. Бино ночор, таъмирталаб эди. У ўша ерга яқин жамоа хўжалиги раислари, йирик ташкилотлар мутасаддиларини чақирди. Очиғи, иморатнинг ҳолати кўпчиликни хижолатга соларди. Мутасаддилар янги раҳбарнинг фикрини дарров илғаб олишди. Кўп ўтмай, бу муассаса биноси худди игнадан чиққандай, кўркам бир кўриниш касб этди.

Янги раҳбар одамларга меҳр қўйди. Ҳар ишда оқсоқоллар ўгити, маслаҳатига қулоқ тутди. Одамларнинг издиҳомларидан четда қолмади, элнинг ўз одамига айланди. Натижада, туманнинг номи нафақат Андижон, балки, мамлакат миқёсида танилди. Иқтисод мустаҳкамланиб, фаровонлик ошди. Янги раҳбарнинг қадри, обрў-эътибори юксалгандан юксалиб, ишлари юришиб кетди...

Чиндан ҳам ҳаётда ҳар ким ниятига яраша ажрини олади. Эзгулик қидирганга яхшилик ёр, ёмонлик ўйлаганга ғам-андуҳ бисёр.

**Абдумутал АБДУЛЛАЕВ,**
**Андижон вилояти.**

# ЧИНОРЛАРНИ АСРАНГ, ОДАМЛАР!

(Боши 1-бетда)

Афсуски, бу китобда Хондайлиқнинг узоқ ўтмишдаги бой маданияти, юксак маънавияти ва бу соҳаларнинг чинордай азамат вакиллари ўз аксини тўла топа олмаган эди. Тоғ қишлоқларида забардаст зиёлилар, уламолар яшаб ўтганлар. Туғилиб-ўсган қишлоғи номини ўзига тахаллус этиб танлаган таниқли адиб Сирожиддин Мирзоҳид ўғли – Сидқий Хондайлиқий ёзиб қолдирган "Хондайлиқ тарихи" ҳам шундан далолат беради. Шарқшунослик институтида сақланаётган бу қимматли манбада Хондайлиқнинг ибтидосида яшаган бобокалонларимиз санаб ўтилган.

Рамзий маънодаги "чинорлар" хусусида фикр юритилганда Хондайлиқийнинг падари бузруквори Мирзоҳид ота номини алоҳида ҳурмат ва эътибор билан ёдга олмоқ лозим. Бухорои шариф ва азим Тошкент мадрасаларида чуқур билим олиб, Хондайлиққа қайтган Мулла Мирзоҳид, Мулла Султонхўжа, Мулла Мифтаҳ, Мулла Хўжахон, Мулла Имомали каби зукко инсонлар ҳамқишлоқларини тўғри йўлга бошлашган. Хашарлар уюштириб, ариқлар қазиш, янги-янги масжид-мадрасалар қуриш, билимдон ва салоҳиятли шогирдлар етиштириш каби савобли ишларга улар алоҳида эътибор билан қараганлар. Улардан таълим олган шогирдлар халқни адолат билан бошқаришган, барча бараварига ҳалол умргузаронлик қилганлар. Имом Аъзам мазҳабида намоз ўқишган, сабр-тоқат билан рўзғор тебратишган, илм аҳлини ҳамма баравар қадрлаган. Шундай йўл тутиб, ул азизлар ҳеч қачон кам бўлмаганлар: ноҳақ қон тўкилмаган, босқинчилик, ўғирлик, хоинлик сингари иллатлардан улар бутунлай холи бўлганлар. Сидқий Хондайлиқийнинг "Маънавият" нашриёти томонидан 1998 йилда чоп этилган "Танланган асарлар" ёки 1992 йилда нашр қилинган "Мезони шариат" китобларини мутолаа қилган инсон бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилади.

Лекин, айни кунларда хунук бир аҳвол қадим-қадимда маънавияти юксак даражадаги Хондайлиқда ҳам содир бўляпти: Бобокалонларимиз минг йиллар аввал кўкартириб кетган чинорлар ҳаёти қил устида турибди, уларни сақлаб қолиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти. Бу чинорлар нафақат Хондайлиқда, балки, Бўстонлиқ туманида, қолаверса, Ўзбекистонимизда ҳам саноқлидир. Улар ўтмишдаги барча воқеа-ҳодисаларга ягона жонли гувоҳ...

Кўпни кўрган кексаларнинг таъкидлашларича, қадимда бу азим дарахтлар "тўққиз оғайни" экан. Сойдан ҳар йилги баҳорда кутуриб келадиган селлар остини кавлай-кавлай, иккитасини қулатибди. Қолган еттовлон каттакон супа шаклида бир-бирларини маҳкам тутганча яшаётган бўлсалар ҳам, йиллар ўтган сайин сел таҳдиди кучаяр, чинорларнинг умри тугаб бораётгандек эди. Дам олиш ёки байрам кунларида қишлоғимга бориб қолсам, чинорлар омонмикин, деган хавотирда сой бўйига ошиқардим-да, уларнинг атрофидаги ўпқонлар кенгайиб, чуқурлашиб бораётганини кўриб, баттар ташвишга тушардим. Бу азим дарахтлардан айрилсак, гўё қишлоқнинг бағри бутунлай ҳувиллаб қоладигандек эди. Фақат ташвишланиш, бориб-келиб, кузатиб юриш билан тайинли бирор иш битмайди-ку! Шу ҳақда қишлоқ оқсоқоли билан маслаҳатлашдим, чинорлар атрофини бетон девор билан айлантириб чиқиш, очилиб кетган илдизлар устига тупроқ тўкиб маҳкамлаш каби кўнглимда туғилган режаларни тушунтирдим. Оқсоқол ғоят хурсанд бўлиб, бу таклифлар учун раҳмат айтди. Ташвиш тортмай бемалол ўз ишларимни қилиб юраверишим мумкинлигини қайта-қайта тайинлади-да, хашар уюштириб, чинорлар муҳофазасини тез орада "қотириб ташлаш"га сўз берди. Шундан сўнг кўнглим хотиржам бўлди.

Кунлардан бир кун Фазлиддин исмли ҳамқишлоғим Тошкентга – ишхонамга қидириб келиб қолди. Бу йигитнинг шўх-олов эканлигини билардим, бошига бирор ташвиш тушиб, йўл-йўриқ сўраб келдимикин, деб ўйладим.

-Сиз чинорлар ҳақида оқсоқолнинг ваъдасига ишониб юрибсизми, ҳалиям?- асл мақсадга кўчиб қўя қолди Фазлиддин. – Қишлоғимиз раҳбарларининг ғирт ёлғончи эканликларини билмайсизми?! Улар мениям йил давомида алдаб келишди. Ахири уларга қараб ўтирмай чинорларни сақлаб қолиш учун ўзим киришдим. Фақат шу ишга керакли у-бу нарсалар топишимга ёрдамлашсалар ҳам майли эди, қолган ҳаммасини ўзим бажарардим. Яхшиси, қишлоққа чиққанингизда бориб, амалга оширган ишларимни бир кўриб қўйинг! "Шу хушхабарни айтиш учун Тошкентга излаб тушибди-да, бечора. Эртагаёқ бориб кўрганим бўлсин!"

Чинорлар қошига бориб, кўзларимга ишона олмасдим. "Ёпирай, тушимми-ўнгимми! Бу ишларнинг ҳаммасини наҳотки Фазлиддиннинг бир ўзи амалга оширган бўлса!" Чинорлар атрофига нақ сандиқдек, ҳатто ундан ҳам улкан ҳарсанглар терилиб, шунчалар пишиқ ва кўркам девор барпо этилган эдики, ҳар қандай инсоннинг бунга тасанно айтмай иложи йўқ эди. Шу ерлик хонадонларда яшовчи кексалар офтоблаб ўтиришган экан, ҳайратимни яширолмай улардан сўрадим:

-Узундан-узоқ мана бу тошдеворни ростданам Фазлиддиннинг бир ўзи тикладими?

-Ҳа, ҳақиқий Алпомиш экан, азамат!- бир овоздан тасдиқлашди қариялар.

Шу пайт қаёқдандир Фазлиддиннинг ўзи келиб қолди. Чайир ва қотма гавдали, ўткир боқувчи бу йигит кексалар билан тез-тез сўрашиб чиқди-да, кетиб қолишимдан қўрққандек, тирсагимдан тутиб, чинорлар салқинига бошлади.

-Қуруқ семон сўраб раисга тушган эдим, эртага бир-икки қоп обкелтириб берадиган бўлди,- деди у йўл-йўлакай –Агар яна алдаб пайсалга солса, сизга учрашмоқчи эдим...

Бу йигит озиб-тўзиб кетган бўлса ҳам руҳи анча енгил, юз-кўзларидан ва қилаётган ишларидан мамнун эканлиги шундоққина кўриниб турарди.

-Бир-икки қоп семон билан қолган ишларинг битадими?- сўрадим мен.

-Қаёқда дейсиз, яна ўн-ўн беш қоп бўлса ҳам етмайди, ҳарна бергани-да. Қанийди бир-икки машина тайёр бетон бўлсаю, деворни мустаҳкамлаб олардим. Қаранг, куз қандай яхши келди, худди ёз кунларидай! Агар битира олмасам...биласиз-ку, кўкламги сел балоси деворларимни емириб ташлаши ҳеч гапмас!..

-Иложини қила олсам, мен ҳам ишларингга қарашаман,- дедим Фазлиддиннинг кўнглини кўтариш учун. –Ахир бу шахсий ишинг эмас, аждодларимиздан ўтиб келаётган бебаҳо ёдгорликларни сақлаб қолиш учун кураш демакдир.

-Раҳмат сизга, кўнглимни кўтардингиз, кучимга куч қўшилди!- ёш болалардек самимий ва беғубор жилмайди Фазлиддин. –Бунақа ишларни ўзим амалларман. Сиз эса ўзингиз билган мана шу чинорлар ҳақида газета-журналларга яхшилаб ёзинг. Иложини топсангиз, телевизоргаям чиқаринг! Шундайин бебаҳо ёдгорликларимизни бутун халқимиз кўрсин, келиб зиёрат қилсин...

-Қўлимдан келганича ҳаракат қиламан,- уни юпатдим, –сени, аввало, Аллоҳнинг ўзи қўлласин, бўш келма, укажон!

Хайрлашиш учун чўзган қўлимни Фазлиддин қўйиб юбормай ушлаб турар, нимандир айтишдан ийманаётгандек эди.

-Яна бирор гапинг борми?

-Агар ёзсангиз-чи, "бу тошдеворни севганига етолмаган Фазлиддин Бобомуродов тиклаган эди", деган сўзлариниям қўшиб қўйсангиз...

-Кимнинг қизи у, ўзимизнинг қишлоқликми?

Фазлиддиннинг кўзларида ёш йилтирагандек бўлди. Бу ҳолни сездирмаслик учунми, бошини қуйи эгиб, шивирлади:

-Йўқ, бошқа томондан, унинг исминиям, жойиниям ҳеч кимга айтмайман. Сиз ёзсангиз бўлди, ўзи топиб ўқийди...

Юрагим бир қалқиб тушди: "Вой бечора-ей, шу пайтгача нега уйланмай юрибди десам, гап бу ёқда экан-да!.."

...Қиш анча оғир келиб, то баҳорга қадар қалин қор аримади. Ҳар хил юмушлар билан банд бўлиб, қишлоғимга уч-тўрт ой бора олмадим. Баҳор бошланиб қолган кезларда имкон топиб, атайдан Фазлиддиндан хабар олиш учун бордим-у, уни тополмадим. Бошлаган ишлари ҳам чала қолган экан. Йўлда учраганлардан сўрасам, тайинли гап айтишмас, "қамалиб қолдиёв", баъзилар эса: "руҳий касалликлар шифохонасида даволанаётган бўлса керак", дейишдан нарига ўтишмасди. Аниқроқ билиш учун Фазлиддиннинг укасини излаб топдим.

-Акам ўзига-ўзи бало орттириб юради!- деди жиғибийрон бўлиб, –Армияни битириб келганда Хондайлиқнинг олди йигити эди. Раҳматли дадам билан далада сомон қоплаётса, хўжалик раиси келиб қолиб, бир мушт тушурибди. Амалдорлар билан олишиб бўлармиди, акам ҳам унга жавоб мушти қайтарган экан, қаматиб юборди. Оқибатда ёмон отлиқ бўлиб қолди. Қамоқдан чиққандан кейин ҳам, мана, ўн беш йилга яқин вақт ўтиб кетди-ю, ё уйланмайди, ё ўзига тайинли уй-жой қурмайди, умри мана шу чинорларни қўриқлаш билан ўтиб боряпти. Кошки эди унинг ёнига кирадиган бирор одам топилса! Шу чинорлар масаласида тағин катталар билан жиғиллашиб, ўзига бало сотволди-да!..

Ортиқча гапга ўрин қолмаган эди. Фазлиддиндан узоқ вақт хабар олмаганим, унга тайинли ёрдам кўрсатаолмаганим учун бу таъна-дашномлар менга ҳам тегишли эди, албатта. Фазлиддиннинг укасини чинорлар сари бошладим. Сел ювиб кетиши мумкин бўлган тарафларга гир айлантириб ясалган тошдеворларни кузатдик. Уларнинг айрим жойлари нурай бошлабди. Фазлиддиннинг гапларида жон бор эди. Цемент етказа олмай, тошларнинг ораларига лой ёпиштирилган жойлар селга дош бера олмабди.

-Кўрдингми, аканг йиллар давомида бу деворларни тикламаганда эди, Чинорлар аллақачон ағдарилиб, йўқ бўлиб кетарди,- дедим ёнимда келаётган ҳамроҳимга. – нима учун сен, мен ва бошқалар деворнинг қолган қисмини тикламаймиз, бузилаётган жойларини тузатмаймиз?!..

-Э, ака, чинор муҳофазаси буёқда турсин, водопровод, катта мактаб биноси қурилишларининг қанчалар вайрон, талон-тарож бўлиб ётганини кўрганингизда эди!- астойдил куйиб-ёниб гапирарди ёнимдаги йигит. –Бу ҳақда гапирсангиз, қишлоғимиз раҳбарлари, туманнинг айрим бошлиқларигаям ёқмайсиз.

Ҳа, гап буёқда экан-да. Ёнимдаги оддийгина қишлоқ йигити юрагининг туб-тубидан чиққан аччиқ-аламли, лекин, ҳақ гапларга жавоб тополмай лол турардим. Чинорлар ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлаётгандек шабадада секин силкинишарди. Назаримда улар ўз халоскори бўлмиш Фазлиддинни интиқлик билан кутишаётгандек эди...

**Асад АСИЛ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

# СПОРТДА КУЧЛИЛАР ЕНГАДИ

***Сешанба куни мамлакатимиз олий лига жамоалари II тур баҳсларини ўтказдилар. Турнинг асосий баҳси Тошкентнинг "Пахтакор" ҳамда Қаршининг "Насаф" жамоалари ўртасида кечди.***

Биринчи турда йирик ҳисобда ғалабага эришган майдон эгалари ўйинни кўтаринки руҳда бошлади. Меҳмонлар ҳимояда ўйнаб, имкон топганда рақиб жамоа дарвозасини нишонга олишга ҳаракат қилдилар. Учрашувнинг 17 дақиқасида "Насаф"нинг тезкор ўйинчиси Баҳром Давлатовнинг боши билан берган зарбаси Беляковни доғда қолдирди, 0:1.



ФУТБОЛ

"Пахтакор"чилар биринчи бўлим охиригача ҳисобни тенглаштиришга ҳарчанд уринмасин, барчаси зое кетди.

Иккинчи бўлимда ҳам асосий ўйин "Насаф" дарвозаси олдида кечди. Лекин меҳмонларнинг ҳимоясини ёриб ўтиш на Собир Ходиевга ва на бошқа ўйинчиларга насиб этди.

Учрашув тугашига беш дақиқа қолганда "Насаф"нинг моҳир ҳужумчиси Зафар Холмуродов икки ўйинчини ва дарвозабонни алдаб ўтиб, иккинчи тўпни киритди.

"Насаф"ликлар ҳар икки турда ҳам меҳмонда ўйнаб ўз ҳисобларига олти очкони ёзиб қўйди.

"Пахтакор" ўз майдонида дастлабки "сабоқ"ни олди. Биринчи турда 5:0 ҳисобида ғалабага эришган жамоа кейинги ўйинда ўз майдонида мағлубиятга учради. Тўғри, чемпионат эндигина бошланди. Ҳали асосий баҳслар олдинда. Бироқ... Бир йили мамлакат чемпиони бўлган жамоанинг иккинчи йили мағлубиятдан боши чиқмаслиги, олий лигани тарк этиши фақат бизнинг футболга хос бўлган қусурмикан деб ўйлаб, қайғуга ботасан киши. Бу ерда сўз МҲСК жамоаси ҳақида бораётганлигини сезган бўлсангиз керак.

Вақт кутиб турмайди. Мухлисларга баҳона эмас, чиройли ўйинлар, ўз жамоасининг ғалабаси керак. Олдинда эса жаҳон чемпионатининг саралаш баҳслари турибди. Ўзбекистонликлар ҳам ўз терма жамоасини ЖЧ баҳсларида қатнашганини кўришга ҳақлидир.

Бунинг учун эса чемпионат баҳслари юқори савияда ташкиллаштирилиши, ҳакамлар баҳсларни адолат билан бошқаришлари шарт. Спортда кучлилар енгади. Тасодифга, омадгагина умид боғлаб майдонга тушганларнинг оти чопмай қолиши тайин.

Ушбу турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди:

**"Металлург" – "Сурхон" - 2:1, "Дўстлик" – "Қизилкум" – 1:0, "Кимёгар" – "Бухоро" – 0:1, "Зарафшон" – "Андижон" – 5:1, "Турон" – "Нефтчи" – 0:2.**

**Кеча турнинг қолган икки учрашуви ўтказилди. Унда "Трактор" – "Сўғдиёна"ни, "Академия" – "Динамо" Самарқандни қабул қилди.**

**А.ЖЎРАЕВ.**


# ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

**Аҳоли омонатлари давлат томонидан кафолатланган банклардан бири бу Давлат-тижорат Халқ банкидир!**

## Айнан шу банк Сизга янги турдаги омонатларни таклиф қилади.

**Янги асрда ҳаётбахш умидларингизни ҳақиқатга айланишида Халқ банкининг янги турдаги "Аср совғаси" омонати** яқин молиявий кўмакдошингизга айланади. Ушбу омонатга 5 минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда биринчи кирим бадалларини қўйишингиз билан сақлаш муддатига мутаносиб равишда катта миқдордаги даромадлар соҳиби бўласиз.

## "Аср совғаси" омонати – Сизнинг орзуингиз қисқа муддатда рўёбга чиқишидаги катта имкониятдир!

**Сиз Халқ банкида "Оналар ва болалар" йилига бағишлаб жорий этилган "Бахтли болалик" мақсадли омонатига маблағ қўйиб, фарзандларингиз келажаги пойдеворини яратганингизга амин бўласиз.**

Мазкур омонат фақат 2 ёшгача бўлган болажонлар номига очилиб, ҳар ойда камида 1000 сўмдан маблағ қўйиб борсангиз, кўз ўнгингизда улғаяётган фарзандингиз учун муносиб совға ҳозирлайсиз. "Бахтли болалик" омонатига белгиланган йиллик фоиз даромадлари қўшилиши билан бирга, фарзандингиз 16 ёшга етганда омонатнинг охирги қолдиғи 100 фоизга кўпайтирилиб берилади.

**Омонатни муддати тўлмасдан олиш истаги туғилса, марҳамат:**
**Маблағларингизни фоиз даромадлари билан қайтариш биздан!**

**Сиз янги жорий қилинган "Кексалик гашти" мақсадли омонат турига** 10 йил мобайнида ойига 1500 сўмдан маблағ қўйиб борсангиз, ўзингиз учун кексалик гаштини суришга замин ҳозирлаган бўласиз. Банк Сизнинг маблағларингизга ҳар йили даромад қўшиш билан бирга омонат муддати тугаши билан маблағингизни 100 фоизга кўпайтириб бериш мажбуриятини олади.

**Омонатни муддатидан олдин олишни хоҳласангиз, марҳамат!**

Сақлаш муддатига мутаносиб равишда даромадлар тўлаб бериш бизнинг вазифамиздир.

**Сизни қизиқтирган барча қўшимча маълумотларни Халқ банкининг туман (шаҳар) бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 173-69-15; 173-69-19; 173-86-80.**
**Халқ банки Янги асрда барча хайрли ишларингизга муваффақият ёр бўлишини ва фаровонлик ҳамроҳингиз бўлишини тилаб қолади!**



Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Саид АҲМАД, Туроб ХОЛТОЕВ, Азимжон АЮПОВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Искандар ҚАЛАНДАРОВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Икромхон НАЖМИДДИНОВ, Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Шамсиддин ЭСОНБОЕВ.

**МУАССИСЛАР:** *Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўздонмаҳсулот" корпорацияси, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси, "Ўзпахтасаноатсотиш", "Ўзбек ипаги", Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмалари, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси*

**Телефонлар:** Қабулхона - **133-09-93 - 133-40-87** (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари — **133-16-27**, **133-44-43**, котибият — **136-56-26**. Ижодий гуруҳлар: **136-56-21**, **136-56-25**, **136-54-42**, реклама ва эълонлар— **136-56-30** (факс).

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:** Қорақалпоғистон Республикаси - **8-361-58-519-58**; Андижон - **8-374-2-25-32-23**; Бухоро - **8-365-22-648-22**; Жиззах - **8-372-33-553-59**; Навоий - **8-436-22-588-56**; Наманган, Фарғона - **8-369-22-652-10**; Самарқанд - **8-366-233-00-52**; Сурхондарё - **8-376-46-526-61**; Сирдарё - **8-367-225-41-73**; Тошкент - **8-371-136-56-21**; Хоразм - **8-362-22-640-80**; Қашқадарё - **8-375-22-517-65**.

**МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32**

**Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади**

«Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.


**Газетамиздан мақолалар кўчириб босилганда «Қишлоқ ҳаёти»дан олинди деб кўрсатилсин.**


**Навбатчи:** Р.ЖАББОРОВ.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2000 йил 8 августда №00006-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.** | **Буюртма Г— 2008, ҳажми 2 босма табоқ.** | **Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.** | **Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.00** | **Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди** | 1 2 3 3 4 6.